

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМЛИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ОДИЛ ҚОРИЕВ

АЛ-МАРҒИНОНИЙ—  
МАШҲУР  
ФИҚҲШУНОС

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2000

**Қориев Одил.**

**Ал-Марғилоний — машҳур фикҳшунос // Масъул муҳаррир: М. М. Хайруллаев/.** — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2000.—48 б.

Сарлавҳада: ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик институти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан 2000 йилда жаҳон халқларининг маънавий-диний тараққиётига, ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, нодир истеъдод эгаси Бурҳонуддин ал-Марғилонийнинг ҳижрий сана бўйича 910 йиллик юбилейи кенг миқёсида нишонланади. Ушбу рисола XII асрда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган машҳур алломанинг ҳаёти, фаолияти, асарлари, ҳуқуқшунослик соҳасига қўшган улкан ҳиссаси, ёзиб қолдирган китобларининг сўнгги асрларда мусулмон мамлакатларида ўрганилиши, таржималари ҳақида ҳикоя қилади.

Рисола кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**ББК 67.3**

Масъул муҳаррир: *ЎзР ФА академиги* М. М. Хайруллаев

Тақризчилар: *тарих фанлари номзоди* М. Ҳасанов,  
*тарих фанлари номзоди* Б. Абдуҳалимов.

*Рисолани яратишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника қўмитасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.*

А 4702620100—228  
М 361(04)—2000 2000

ISBN 5-86484-010-6

©Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,  
2000 йил.

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ҳаётнинг барча соҳаларида катта ўзгаришларга олиб келди, бу ўзгаришлар жамиятнинг мазмунан бойиши ва фаолиятининг кенгайиши, унинг жаҳон жамоатчилигига кириб бориши, у билан қоришуви, шу вақтга қадар номаълум бўлган фаолият ва муносабат шаклларининг вужудга келиши, ички ва ташқи алоқалар ўртасидаги кескин чегара, зиддиятнинг ўзгара бориши: билан кўзга ташланади. Мустақилликни мустаҳкамлаш бозор иқтисодига ўтиш ва ҳаётнинг демократлашуви жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оша бораётганини намоён этди.

Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ўзгаришлар маданият, маънавият соҳасида ҳам қатор янги йўналишларни вужудга келтирмоқда. Миллий маданият, миллий ғоя, мустақилликка эришган халқнинг ўзига хос маънавиятини юксалтириш, динга муносабатни ўзгартириш кабилар муҳим етакчи аҳамият касб этмоқда. Бу масала Президент Ислом Қаримов ўз маърузалари, чиқишларида бир неча бор қайд этганидек, халқ тарихини, маданий мерос, маънавий қадриятларни чуқур объектив ўрганиш, ўзликни исботлашга хизмат этувчи халқ анъаналарини ҳозирги талаблар асосида тиклаш кабиларни тақозо этади. Маънавий мерос, халқимиз тарихи, исломнинг асосий мақсад, вазифаларини билиш эса халқни бирлаштириш, уни қийинчиликларни енгиб ўтиб олий мақсадларни амалга оширишга йўналтириш учун хизмат қилади.

Халқимиз тарихида маданият, маънавиятнинг энг юксалган даврларида ҳам дунёвий илмлар, санъат, адабиёт ва диний-исломий билимлар жамият юксалиши, халқ бирлиги, руҳини сақлаш учун хизмат қилиб кел-

гани маълумдир. Бу жиҳатдан IX—XII асрлардаги Урта Осиё тарихи яққол мисол бўла олади.

Форобий, Ибн Сино, Берунийлар фалсафий-табiiй илмлар соҳасида бу йўлда ўз ижодлари билан ўз халқи маънавиятини жаҳонга маълум этган бўлсалар, Исмоил Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳонуддин Марғинонийлар диний билимлар соҳасидаги ўз асарлари билан ўз халқи истеъдодини бутун мусулмон Шарқида маълум ва машҳур қилдилар.

Халқимиз 2000 йили калом илмининг байроқдори Мотуридий ва энг машҳур фикҳ олими Марғинонийларнинг юбилейларини нишонлайди. Деярли бир даврда ижод этган бу икки аллома Урта Осиё олимларининг диний илмлар соҳасида ҳам етакчи ўринга чиққанликларидан далолат беради.

Ушбу рисола XII асрда яшаб ўтган Урта Осиё фикҳ мактабининг энг етук сиймоси Бурҳонуддин Марғинонийнинг ҳаёти, ижоди, фаолиятига бағишланган бўлиб, кенг ўқувчилар оммасига мўлжаллангандир.

Бу алломани барча мусулмон оламида жуда яхши биладилар, унинг асарлари кенг маълум, ҳатто хорижий тилларига ҳам таржима этилгандир. Лекин бизда у узоқ йиллар деярли номаълум бўлиб қолди. Эндиликда халқимиз бу алломанинг мусулмон фикҳшунослигига қўшган улкан ҳиссаси, ҳаёти, асарлари билан танишишга муяссар бўлмоқда.

Марғинонийнинг юбилейи, шубҳасиз, бу соҳадаги камчиликлар, чегаралашларга чек қўйиш йўлида муҳим қадам бўлади, деб ишонамиз.

**М. М. Хайруллаев,**  
ЎзР ФА академиги

## ФИҚҲ — ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛИГИ ТАРИХИДАН

VII аср бошларида Арабистон ярим оролида вужудга келган ислом дини ўша даврда чуқур маънавий, ахлоқий ва ижтимоий инқирозга юз тутган араб қабилалари ҳаётида улкан ижобий воқеа сифатида намоён бўлди. Дастлабки даврларда Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом кучли қаршиликка дуч келдилар. Чунки қabila бошлиқлари, зодагон мулкдорлар ўз мавқеларини йўқотишни табиийки, асло истамас эдилар ва мавжуд маънавий муҳитдаги тарқоқлик уларни батамом қониқтирар эди. Бу давр Арабистон ярим оролидаги маънавий, ахлоқий таназзул шу қадар кучли эдики, эски жоҳилият анъаналарининг емирилиши ва янги жамиятнинг вужудга келишини тарихий зарурат тақозо қилиб қолган эди. Шу тариқа тахминан 609—610 йиллардан бошлаб Пайғамбар алайҳиссалом томонларидан бошланган ислом динига даъват, 632 йили Муҳаммад алайҳиссалом вафотлари даврига келиб Арабистон ярим оролининг талайгина қисмида унинг ҳукмрон динга айланишига олиб келди. Мусулмонлар жамоасини қарийб ўттиз йил давомида бошқарган халифалар (хулафа уррошидин) Абу Бакр Сиддиқ (бошқарган даври 632-634), Умар ибн ал-Хаттоб (634—644), Усмон ибн Аффон (644—656), Али ибн Абу Толиб (656—661) даврларида ислом дини янги-янги минтақаларга етиб борди.

Ислом дини кўплаб мамлакатларга ёйилиб, нафақат дин, балки уларнинг турмуш тарзини белгилаб берувчи ва назорат қилувчи қонун тизимига айланиб бораётган экан, унинг муҳим соҳаси сифатида ислом ҳуқуқшунослигининг пайдо бўлиши зарурати туғилди.

Илк ислом даврида мусулмонлар жамиятидаги барча масалалар бевосита Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўрсатмалари асосида ҳал этилар эди. Бундан ташқари Пайғамбар алайҳиссалом атрофларидаги саҳобаларга

у ёки бу масалани ҳал этиш йўлларини ўргатиб ҳам борар эдилар. Масалан, бирон-бир киши Муҳаммад алайҳиссаломдан бирон-бир масалани сўраб келса, у зот саҳобалардан бирига ўша масаланинг ечимини айтишни буюрар эдилар, сўнг уни тўғри ёки нотўғрилигини текшириб тўғрисини кўрсатиб берар эдилар. У даврда расули акрам саҳобаларнинг ижтиҳодга рағбатини сўндирмаслик учун тўғри жавобга икки савоб, ноаниқ жавобга бир савоб бўлади, деб марҳамат қилар эканлар.

### ФИҚҲ СОҲАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАЪРИФИ

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин мусулмонлар жамоасида содир бўлаётган янги саволларга саҳобаи киромлар жавоб бера бошладилар. Жумладан, Оиша — разия Аллоҳу анҳо, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва бошқалар сарвари оламдан олган тарбиялари ва орттирган тажрибалари асосида ўз имкониятлари даражасида ворид бўлаётган масалаларга жавоб бериб бордилар. Исломи дини кўплаб янги минтақаларга интишор бўлиб, халифалик ҳудудлари кенгайиб араб бўлмаган мамлакатларга етиб борар экан, бу минтақаларда вужудга келаётган янги ҳуқуқий ҳолатлар уларга жавоб топиш заруратини ошира борди. Бундай зарурат янги бир муҳим соҳа — фиқҳ соҳасининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Фиқҳ сўзининг луғавий маъноси «тушунмоқ», «билмоқ» мазмунини англатган ҳолда, шариат истилоҳида бу сўзга турли хил таъриф берилади. Бир ўринда фиқҳ сўзининг шаръий истилоҳдаги маъноси «Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом орқали нозил қилган шариатни теран англамоқ» деб таърифланса, иккинчи бир ўринда «Фиқҳ — шаръий далиллардан шаръий ҳукмлар чиқаришдир» дейилади. Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи бу сўзга шаръий истилоҳда «Кишини ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишидир» деб таъриф берганлар. Бу таъриф фиқҳга умумий таъриф бўлиб, у эътиқод масалаларини ҳам, ахлоқ, ибодат, муомалот масалаларини ҳам ўз ичига олган яхлит фиқҳ, яъни «ал-фиқҳ ал-акбар»нинг таърифидир. Чунки имом Абу Ҳанифа яшаган тобеъинлар даврида шариатнинг амалий қисми бўлган фиқҳ, унинг бошқа соҳалари, масалан «илм ул-калом» ёки тавҳид», «илм

ул-ахлоқ» ва ибодатда турган кишининг қалби фақат ўша қилаётган ибодатига боғлиқ бўлишлиги ҳақидаги соҳа бўлмиш «руҳиёт» ёки «маънавиёт» каби соҳаларига ажралиб чиқмаган эди. Кейинчалик фикҳ тушунчаси айнан кишининг барча: шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги амалий ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлари, деган маъно касб этди. Демак, фикҳ кишига алоқадор бўлган ибодат масалаларидан тортиб фуқаролик ҳолати, яъни оила ва никоҳ, талоқ, мерос, иқтисодий, молиявий муносабатлар, ахлоқий, маънавий, моддий муносабатлар, жиноят ва жазо, шахсга нисбатан ва жамиятга нисбатан масъулият каби барча соҳаларни ўз ичига олган амалий ҳуқуқшунослик соҳаси бўлиб қолди. Бу ҳолат фикҳ соҳасининг шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлган омилларни келтириб чиқарди.

### ФИҚҲНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Юқорида зикр қилганимиздек, фикҳ Расулуллоҳ даврларидаёқ мавжуд эди, лекин у алоҳида соҳа бўлиб ажраб чиқмаган эди. Сабаби, у даврда бунга эҳтиёж йўқ эди. Шунга қарамай фикҳнинг асосини ташкил этувчи манбалар айнан у зоти шариф томонидан белгилаб берилган эди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётликлари пайтларида саҳобалардан Муоз ибн Жабални Яманга сафарга юбора туриб ундан «Борган ерингда бирон масалага жавоб беришга тўғри келса, қандай қилиб ҳукм чиқарасан?» деб сўрадилар. Бунга жавобан Муоз ибн Жабал «Аллоҳнинг китоби билан ҳукм чиқараман» деди. Расули акрам «Аллоҳнинг китобидан топа олмасанг-чи?»—дедилар. Муоз «Аллоҳнинг расулининг суннати билан ҳукм чиқараман», деб жавоб берди. Жаноби сарвари олам «Аллоҳнинг пайғамбари суннатидан ҳам топа олмасанг нима қиласан?» деган саволларига Муоз ибн Жабал «Унда бор илмимни ишга солиб ижтиҳод қиламан», деб жавоб берди. Бу хилдаги жавобдан мамнун бўлган Расулуллоҳ Саллаллоҳу алайҳи вассаллам «Аллоҳ расулининг вакилини Аллоҳни ва Унинг расулини рози қиладиган нарсага муваффақ қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин», дедилар. Мана шу машҳур воқеанинг ўзидаёқ Пайғамбар алайҳиссалом фикҳнинг асосий манбаларини белгилаб бердилар. Демак, барча ислом уламолари иттифоқ қилган

фиқҳ манбалари тўртта — Қуръони карим, Пайғамбар суннатлари, ижмо ва қиёсдир. Бундан ташқари барча уламолар томонидан эътироф этилмайдиган манбалар ҳам бор — истислоҳ, истиҳсон, урф кабилар шулар жумласидандир...

### ФИҚҲ ИЛМИ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАЗҲАБЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Барча уламолар томонидан эътироф этилган мазкур манбаларга асосланиб чиқарилган қонун ва қоидаларнинг барчаси ҳам доимо бир-бирига мувофиқ келмаганлиги, қонун чиқаришда қўлланиладиган манбалардан фойдаланишда ҳам мавжуд бўлган хилма-хилликлар ислом динида мазҳабларни, яъни ҳуқуқий мактабларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Фиқҳий масалаларда ҳукм чиқариш борасида ўз услубларига эга бўлган қатор фақиҳ олимлар тобеъинлар даврида ҳам муайян шуҳрат қозонган эдилар. Мадинада Саид ибн ал-Мусайб, Урвата ибн аз-Зубайр, ал-Қосим ибн Муҳаммад, Хорижа ибн Зайд, Сулаймон ибн Ясар сингари фиқҳ алломаларидан жами етти киши, Куфада Алқама ибн Масъуд, Иброҳим ан-Нахъий, шайх Ҳаммод ибн Сулаймон, шайх Абу Ҳанифа ан-Нуъмонлар, Басрада эса Ҳасан ал-Басрий каби алломалар фаолият кўрсатганлар. Лекин бу алломалар (шайх Абу Ҳанифадан ташқари) ўз мазҳабларини яратмаганлар.

Ислом тарихида II—IV ҳижрий асрлар ижтиҳоднинг олтин даври деб номланади. Айни шу даврда фиқҳ соҳаси ривожига улкан таъсир кўрсатган ўн учта йирик мужтаҳид олим яшаб ижод этган ва ўз мазҳабларига асос солганлар. Бу алломалар Суфён ибн Уйайна (Макка), Молик ибн Анас (Мадина), ал-Ҳасан ал-Басрий (Басра), Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ва Суфён ас-Саврий (Куфа), ал-Авзоъий (Шом), Муҳаммад Идрис аш-Шофеъий ва ал-Лайс ибн Саъд (Миср), Исҳоқ ибн Роҳавайҳ (Нишопур), Абу Савр, Аҳмад ибн Ханбал, Довуд аз-Зоҳирий, ибн Жарир ат-Табарий (Бағдод) лардир.

Мазкур мазҳабларнинг аксарияти сақланиб қолмаган. Уларнинг баъзиларининг издошлари кам сонли бўлганлиги сабабли бошқа мазҳабларга қўшилиб кетган бўлсалар, бошқалари тарих сўқмоқларида йўқолиб кетиб, фақат мазҳаб асосчилари асарлари сатрларида



қолиб кетган. Сақланиб қолган тўртта сунний мазҳаб ҳанафия, моликия, шофеъия ва ҳанбалия ислом дини тарихида жуда муҳим роль ўйнаган. Бундан ташқари қатор шийъа мазҳаблари ҳам вужудга келган бўлиб, улардан ҳам айримлари (зоҳидия, имомия, ибодия, зайдия) қисман сақланиб қолган.

Сунний мусулмонлар эргашадиган энг йирик мазҳаб имом Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (699—767) асос солган ҳанафия мазҳабидир. Барча мусулмонларнинг учдан бир қисми айнан шу мазҳабга эргашади. Қолган учта мазҳаб асосчилари моликия мазҳаби асосчиси имом Молик ибн Анас (713—795), шофеъия мазҳаби асосчиси имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (767—820) ва ҳанбалия мазҳаби асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал (780—855) дир. Бу ўринда шунини айтиб ўтиш лозимки, мусулмон киши мазкур аҳли сунна ва-л-жамоа мазҳабларидан ҳоҳлаган биттасига эргашishi ва унга мансуб бўлиши мумкин. Чунки бу тўрт мазҳабнинг барчаси ҳам тўғри, улардан бирига эргашган мўъмин янглишмайди. Зеро мазҳаб асосчилари, айниқса, кейингилари ўзаридан олдин яшаб ўтган имомларга катта эҳтиром изҳор этиб, уларни ўзларининг устозлари деб билганлар. Қолаверса, мазҳаб асосчилари ислом динининг асоси бўлмиш ақоид масалалари ва унинг арконлари хусусида яқдил бўлиб, фикҳий ихтилофлар ёки хилма-хилликлар бевосита амалиётга алоқадор, ислом дини талабларини ҳаётга татбиқ қилиш шакллариининг турли-туманлигига хосдир.

Аҳли сунна ва-л-жамоа мазҳабларини фарқлантириб турадиган турли сабаблар бор. Бир томондан, мазҳаб асосчиларининг яшаган даврлари ва муҳит, уларнинг илм даражалари ва ижтиҳод услублари бўлса, иккинчи томондан, ислом дини кейинчалик этиб борган минтақаларнинг маҳаллий урф-одат, удум ва анъаналарини ислом дини талаблари доирасига мувофиқ келиш-келмаслигини ҳал этиб бериш зарурати ижтиҳоднинг янги услубларини ишлаб чиқиб уни татбиқ этишни тақозо қилгандир. Фикҳий масалаларда ҳукм чиқаришда ана шу услуб ва тамойилларнинг қўлланиш даражаси ва тартиби ҳам мазҳабларнинг фарқлантириб турувчи омиллардан ҳисобланади. Мисол учун моликия мазҳабида фикҳий қоидаларни асослашда саҳобаларнинг айтган сўзлари ва Мадина аҳлининг қилган ишлари муҳим манба ҳисобланса, ҳанафия мазҳабида бу омил-

дан фойдаланилмайди. Ёки ижтиҳоднинг муҳим услубларидан бири ҳисобланмиш истеҳсон шофеъия мазҳабида эътироф этилмагани ҳолда, ҳанафия мазҳабида кенг фойдаланилади ва ҳоказо. Шуниси диққатга сазоворки, айрим фикҳий масалаларда турли мазҳаблардаги ҳукмлар мутлақо бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳолатлари ҳам учрайди, лекин муайян мазҳабга эргашган киши айнан ўша мазҳаб ҳукмига итоат этаверса, тўғри йўл тутган бўлаверади. Зеро ҳар икки ҳукм ҳам кучли ва ишончли далилларга асосланган бўлади. Бир-бирига зид бўлган ҳукмларнинг ҳар иккиси ҳам ўринли бўлиши мумкинлиги мантиққа тўғри келадими, деган савол туғилиши табиий. Агар бу ҳукмлар мазҳаб асосчилари томонидан чиқарилган бўлса, у ислом динининг асоси ва моҳиятига зид бўлмайди, демак, ҳар иккиси ҳам мақбул ҳисобланаверади. Зеро уламолар Пайғамбар алайҳиссаломдан ворид бўлган «Умматимнинг ихтилофи раҳматдир», деган ҳадисни худди шундай жузъий масалалардаги ихтилофларга тегишли, деб ҳисоблаганлар. Демак, бу хилдаги ихтилофлардан ислом динига зарар йўқ.

Инсоният тараққий этиб, давр ва жамият доимий ривожланиш ва ўзгаришда экан, унда содир бўлаётган ўзгаришларни мазҳаб асосчилари яратиб кетган мезон ва тамойиллар асосида ислом динининг жавҳарига мувофиқ ҳолда кундалик турмушга татбиқ этиб бориш, аҳли сунна ва-л-жамоа тўрт мазҳабнинг барча усуллари қўллаган ҳолда бундай имкониятнинг янада ошиши мусулмон уммати ва жамият манфаатига мосдир. Бас шундай экан, фикҳий мазҳаблар фикҳ соҳасининг ривожланишида муҳим ижобий ўрин тутиб, катта аҳамият касб этган.

Бу ўринда мусулмонлар оммасининг фикҳга доимий эҳтиёжи бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар бир мусулмон ўз ҳаётини ибодат масалаларидан тортиб, барча бошқа жабҳаларига алоқадор фаолиятигача шариат қонунларига мувофиқ келадиган тарзда олиб бориши лозим, деб ҳисобланади. Қадимги аждодларимиздан бизгача етиб келган улкан фикҳий мерос ҳам айнан шундан далолат беради. Чунки гарчи ислом ҳуқуқшунослигининг амалий соҳаси бўлмиш фикҳ араб мамлакатларида вужудга келган ва шаклланган бўлсада, унинг тараққий этишида, юксак чўққисига кўтарилишида бизнинг аждодларимизнинг, Мовароуннаҳр фикҳ илми алломаларининг хизматлари беқиёс бўлди.

## МОВАРОУННАХР ФИҚҲ МАКТАБИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ

Ислом дини Мовароуннаҳрга VIII асрда кириб келди. Бу даврда зардуштийликка асосланган маҳаллий урф-одатлар ва муайян маданий анъаналарига эга бўлган ерли аҳоли арабларни қучоқ очиб кутиб олгани йўқ, аксинча улардан ҳимояланиш мақсадида турк хонлари ва хитой императорига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Аммо 730 йилда Сирдарё бўйларида кўчманчи туркларнинг қўшинлари ва 751 йилда Талас водийсида хитой қўшинлари мағлуб бўлгач, Туркистонда хитойузоқ шарқ маданияти ҳукмрон бўладими ёки араб-мусулмон маданиятими, деган савол узил-кесил ечимини топди. Араб қўшинлари Қошғар, Фарғона водийси ва Хоразмгача бориб етди.

Сомонийлар ҳукмронлик қилган X асрда Мовароуннаҳрда мусулмон фан ва маданияти яшнаган даври бўлди. Бу даврда география фани тараққиёти натижаси ўлароқ араб мутахассислари Урта Осиё иқлимини қурғоқчилик натижасида кескин ўзгариб кетиши эҳтимоли ҳақидаги фикрни асоссиз эканлигини исботлаб берди.

Манбалар Туркистондаги илк ислом даври бу ерлар учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган жадал тараққиёт асри бўлганидан далолат беради. Масалан, X асрга келиб Туркистон қадимий маданият марказлари даражасига етиб олган эди. Бу даврда Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, бу ердан у кейинчалик бутун Оврўпога тарқади. Самарқанд яқинидаги араблар яшайдиган минтақада пахтадан газлама тўқиб чиқариш йўлга қўйилди.

Шаҳарларнинг ривожланишида эронийларнинг Туркистонга кўчиб келиши ҳам муайян ижобий аҳамият касб этди. Бу ерларда маҳаллий сўғд тили билан бир қаторда, форс тилидан деярли фарқ қилмайдиган тожик тилининг кенг тарқалиши ва уни зиёлилар доирасида расмий тилга айланиб қолганлиги — бу миграция анча кенг миқёсда бўлганлигидан далолат беради.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, IX асрдаёқ Мовароуннаҳр мусулмон мамлакатига айланиб бўлган эди. Бу даврда ерли аҳоли ҳатто ғайридинларга қарши урушларда қатнаша бошлаган эди.

Айни шу даврда Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабига асосланган фиқҳ мактабига асос солинди. Ислом ола-

мида эътироф этилган тўртта сунний мазҳабларнинг энг йириги бўлган ҳанафий мазҳабига имом Абу Ҳанифа асос солган бўлсалар, унинг ривожланишига у кишининг шогирдлари ва сафдошлари имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад аш-Шайбонийлар катта хизмат қилдилар. Ўз навбатида Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг шаклланиши ва ривожланишида имом Муҳаммаднинг шогирдлари бўлмиш Абу Хафс ибн Хафс ал-Бухорийнинг хизматлари беқиёс бўлди. Академик В. В. Бартольд у кишининг мақбаралари устида «Мовароуннаҳр улаомларининг устози» деган ёзув бўлганлигини зикр қилади.

Бу даврда Балх халифаликнинг шарқий минтақасидаги ҳанафий мазҳабининг кучли марказига айланиб қолган эди. Балхлик фақиҳларнинг таъсири қўшни минтақаларда ҳам катта эди.

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида (819—1005) ҳанафий мазҳаб Мовароуннаҳрда ривожланди ва қувватланди. Бухоролик фақиҳларга дастлаб Балх, Бағдод ва бошқа ҳанафий мазҳаби марказларининг таъсири сезилиб турди. Масалан, Бухоро фикҳ мактаби вакили Абу Абдуллоҳ Абу Жаъфар ал-Уструшаний бағдодлик Аҳмад ибн Али Абу Бакр ар-Розий ал-Жассос (916—981) дан таълим олган бўлса, маҳаллий фикҳ мактабининг йирик намояндаларидан Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 944—45), Абу Наср ал-Ияди, Абу Лайс ас-Самарқандий (ваф. 983—84) ва Муҳаммад ибн Мансур ан-Навқадийлар хуросонлик ва балхлик алломалардан таълим олдилар. Бу нарса маҳаллий фикҳ мактаби ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаб борганидан далолат беради. Самарқанд ва Балх алломалари ҳамкорлиги натижаси сифатида Самарқанд ҳанафий мактабининг ақоидга оид таълимоти юзага келди. Бу таълимот кейинчалик мотуридия таълимоти деган ном олди.

Қорахонийлар даврида (999—1211) Мовароуннаҳрда катта ўзгаришлар юз берди. Янги-янги йирик шаҳарлар барпо этилди (Ўзган, Қосон), шаҳар аҳолиси мамлакат ижтимоий ҳаётида фаолроқ иштирок эта бошлади. Бу даврда фақиҳлар — ислом ҳуқуқи билимдонлари жамият ҳаётида муҳим ўрин тута бошлади. Чунки айнан шу соҳа мутахассислари амалга оширилаётган ўзгаришларни ислом дини талабларига мос келиш-келмаслиги хусусида фикр билдира оладиган кишилар эди.

Фақиҳлар одатда шаҳарда яшовчи ўрта табақага мансуб кишилар бўлиб, улар кенг халқ оммасининг

муаммолари, ташвиш ва қувончларидан хабардор одамлар бўлган. Шунинг учун одамлар турли масалалар бўйича ўзлари яшаб турган минтақадаги фақиҳларга мурожаат қилишган.

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрда қатор йирик фиқҳ олимлари яшаган. Шамс ул-аимма ал-Халвоний, шамс ул-аимма ас-Сарахсий (ваф. 1096—97), Фахр ул-Ислом ал-Баздавий, Ифтихор уд-дин ал-Бухорий (ваф. 1147—48), Бурҳон уд-дин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Бухорий (ваф. 1174—75) ва Фахр уд-дин Қозихон (ваф. 1196) шулар жумласидандир. Бу алломалар маҳаллий урф-одат ва анъаналарни ислом динининг ҳанафия мазҳабига мувофиқлаштириш борасида хизмат қилдилар. Мазкур алломалар ҳанафия мазҳаби доирасидаги мужтаҳидларнинг учинчи даражасига мансуб фақиҳлар эди.

### ҲАНАФИЯ МАЗҲАБИДАГИ МОВАРОУННАҲР ФАҚИҲЛАРИНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Шу ўринда ҳанафия мазҳаби доирасидаги фақиҳларнинг даражаларига бир оз тўхталсак. Уламолар ҳанафия мазҳаби фақиҳларини беш табақага ёки даражага ажратишган.

Биринчи табақа фақиҳларни мазҳаб мужтаҳиди даражасидаги алломалар ташкил этадилар. Бу табақага мансуб бўлган фақиҳлар мазҳаб асосчиси ишлаб чиққан мезонлар ва услубларни қўллаган ҳолда янги ҳуқуқий қоидалар ишлаб чиқара оладиган даражада бўладилар. Ҳанафия мазҳабида бу даражадаги алломалар имом Абу Юсуф, имом Муҳаммад ва имом Зуфар каби фақиҳлардир.

Иккинчи табақа фақиҳларни ривоят келтирилмаган масалалар бўйича мужтаҳидлар деб аталади. Бу табақа алломалари мазҳаб асосчиси билан ихтилоф қила олмасалар-да, ривоят келтирилмаган масалалар бўйича усул ул-фиқҳ асосида ҳукм чиқара оладиган даражадаги фақиҳлардир. Фақиҳлардан ал-Хассоф, ат-Таҳовий, ал-Кархий, ас-Сарахсий, ал-Хилвоний, ал-Баздавий каби алломалар шу табақага мансуб ҳисобланадилар.

Учинчи табақа уламоларини «асҳоб ут-тахриж» деб аталади ва улар ижтиҳодга қодир бўлмай, мавжуд қоидаларни шарҳлаб, тушунарсиз масалаларни тушунтириб бера оладиган даражадаги фақиҳлардир.

Тўртинчи табақа фақиҳлари ривоятларнинг ичидан афзалини танлаб олишга қодир алломалар бўлиб, уларни «асҳоб ут-таржих» деб атайдилар. Ҳанафий мазҳаби уламоларидан Аҳмад ибн Муҳаммад абу-л-Ҳусайн ал-Бағдодий ал-Қудурий ва Бурҳонуддин ал-Марғинонийлар шу табақага мансубдирлар.

Бешинчи табақага далилларнинг кучлигини кучсизидан, афзалини заифидан ажрата оладиган даражадаги фақиҳлар киритилади. Абд ул-Баракот ан-Насафий, ал-Маҳбубий, Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Мавсулий, Аҳмад ибн Али ибн ас-Соатийлар шу табақага мансубдирлар.

Умуман бу даврда Мовароуннаҳрда фатво чиқара олиш даражасидаги алломалар анча кўп бўлган. Юқорида номлари зикр қилинган фақиҳлардан ташқари Ҳисомуддин Умар ибн Абд ул-Азиз ал-Бухорий (ваф. 1141), Абу Хафс ан-Насафий (ваф. 1142), Заҳир уддин ал-Марғинонийлар ҳам ибодат, савдо-сотик, мулк муносабатлари, қозилик, оила ва никоҳ, вақф ва бошқа мавзуларга аолқадор ўнлаб фатволар чиқарганлар. Мовароуннаҳр фақиҳлари чиқарган фатволар қатор тўпламларга жамланган. Масалан, Ҳисом уддин ал-Бухорийнинг «Ал-Воқиот ал-Ҳисомия фи мазҳаб ал-ҳанафий», Ифтихор уддин ал-Бухорийнинг «Хулосат ал-фатава», Абу-л Қосим ибн Юсуф ас-Самарқандийнинг «Китоб ул-мулоқот фи-л-фатава» каби тўпламлари шулар жумласидандир. Бу даврга мансуб бўлган мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг элликдан ортиқ асарлари бўлганлиги манбаларда хабар қилинади.

### **МОВАРОУННАҲР ФИҚҲ МАКТАБИНИНГ ҚЎШНИ МИНТАҚАЛАРГА ТАЪСИРИ**

Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби ривожланиб қатор-қатор буюк фақиҳлар етишиб чиқди. IX—XII асрларда ўзининг энг юксак чўққисига эришган бу мактаб уламолари нафақат шу минтақада, балки бутун ислом оламида шуҳрат қозонди. Натижада мовароуннаҳрлик алломалар қатор шарқ мамлакатларида, жумладан араб мамлакатларида ҳанафийлик фиқҳ мактабининг шаклланиши ва ривожига салмоқли улуш қўшдилар. Айниқса, Бағдодда ҳанафий мазҳаби фиқҳ мактаби нуфузи сусайиб кетгач, Яқин Шарқда ҳанафий мазҳаби нуфу-

зини сақлаб қолиш мақсадида бу мамлакатлар ҳукмдорлари мовароуннаҳрлик уламоларга мурожаат қилдилар. Бу мурожаатга жавобан қуйидаги мовароуннаҳрлик фақиҳлар Яқин Шарқ мамлакатларида фаолият олиб бордилар ва мусулмон суннийларнинг мавқеларини тиклашга хизмат қилдилар.

1. Умар ибн Муҳаммад Заҳир уд-дин ан-Навҳабозий — ҳанафий мазҳаби фақиҳ олими. 1284 йили Бухоро яқинидаги Навҳабоз қишлоғида туғилган ва нисбаси ана шу туғилган қишлоғига нисбатан олинган. Шамс ул-аймма ал-Қардарийнинг шогирдларидан. Асарларидан «Қашф ул-абҳам ли рафъ ил-авҳам» ва усул ул-фиқҳга бағишланган «Қашф ул-асрор» китоблари маълум. Бағдодда мударрислик қилган.

2. Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий (ваф. 1302) замонасининг беназир ва беқиёс имоми, усул ул-фиқҳда пешқадам, ҳадислар мазмунининг чуқур билимдони, муҳаддис Муҳаммад ибн Абд ус-Саттор ал-Қардарийнинг шогирди. Бир қатор асарлар тасниф этган. Жумладан «ал-Вофи», «Канз уд-дақиқ», «Ал-Мусалфа шарҳ ул-Манзумат ун-Насафия», «Ал-Мустасфа шарҳ ул-Фиқҳ ун-Нофеъ», «Ал-Минор» каби асарлари маълум. Бағдодда мударрислик қилган ва кўп ўтмай ўша ерда вафот этган.

3. Ал-Ҳасан ибн Али ибн Ҳажжаж ибн Али Ҳисом уд-дин ас-Сағнақий (ваф. 1310) туркистонлик фақиҳ, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийнинг шогирди. Асарларидан тавҳид қоидаларига бағишланган «Шарҳ ут-Тамҳид», «Ал-Кафи шарҳ ул-усул ал-Баздавий», номли асарлари, шунингдек, «Ал-Ҳидоя»га ёзилган «Ан-Ниҳоя» деб номланган шарҳи маълум. Бағдодда мударрислик қилган.

4. Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Жалол уд-дин ал-Хаббозий (ваф. 1292) — фақиҳ олим, Алоуддин Абд ул-Азиз ал-Бухорийнинг шогирди. Усулга бағишланган «Ал-Мағний» номли асари ва «Ал-Ҳидоя»га ёзган шарҳи маълум. Дамашқда мударрислик ва муфтийлик қилган.

5. Маҳмуд ибн Абу Бакр Абу ал-Ала ал-Қаллабозий ал-Бухорий, Шамс уд-дин ал-Фардий (1242—1301) — фақиҳ, муҳаддис олим. Садр уд-дин Сулаймон ибн Ваҳб устозлик қилган. «Давъу Сирож» ва «ал-Минҳож» асарлари ва бошқа қатор асарлар муаллифи. Дамашқда мударрислик қилган.

6. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Санжарий

Қаввам уд-дин ал-Какий (ваф. 1348) — фақиҳ, муҳаддис. Ало уд-дин Абд ул-Азиз ал-Бухорийнинг шогирди бўлган. «Меърож уд-Дирая» номи билан «ал-Ҳидоя»га шарҳ ёзган. «Уйун ал-мазҳаб» номли асарнинг муаллифи. Қоҳирада мударрислик ва муфтийлик қилган.

7. Амир Котиб ал-Амид ибн Амиргозий ал-Итқоний ал-Форобий (1287—1358) — фақиҳ, араб тилининг билимдони, ҳанафия мазҳабининг ашаддий ҳимоячиси бўлган. «Шарҳ ут-Табйин» (Мунтаҳаб ал-Ҳисомий)га ёзилган), «Ғоят ул-Баён ва Нодират ул-Ақрон» («ал-Ҳидоя»га ёзилган шарҳ) асарларининг муаллифи. Мисрга бориб мударрислик қилган.

8. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шиҳаб ибн Юсуф ал-Қардарий ал-Хоразмий ал-Баззозий (ваф. 1424) усул ва фуруъда тенги йўқ фақиҳ. «Манақиб ал-Имом ал-Аъзам» асарининг муаллифи. Қрим ва Астраханда минтақа имомларига бошчилик қилиб, фикҳдан дарс берган.

Бу даврда Хоразмда ҳам маҳаллий фикҳ мактаби ташкил топди. Бу мактабнинг асосчиси улуғ аллома, араб тилининг билимдони Маҳмуд ибн Умар Абул-Қосим Жоруллоҳ аз-Замахшарий бўлди. Бу зот араб тили грамматикасига оид, Қуръони карим, ҳадис ва тафсирга оид қатор асарлар яратган. Бир муддат Маккада истикомат қилганлиги учун Жоруллоҳ лақабини олган. Хоразм фикҳ мактаби вакиллари ақондда муътазилий эдилар. Бу мактабнинг фикҳ бобидаги ғоялари Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидийнинг «Китоб кунят ал-мунйа», «Шарҳ мухтасар ал-Қудурий» асарларида ўз ифодасини топган.

Мўғулларнинг Ўрта Осиёга бостириб келиши ислом илмлари ривожига салбий таъсир кўрсатди. Бу истило Мовароуннаҳр маданияти тараққиётига катта зарар келтирди. Бу даврда минтақада фикҳ илми ривожини тўхтаб қолди. Самарқандда Мажид уд-дин Уструшаний (ваф. 1234)нинг «Китоб ул-фусул фи-л-муомалат», Абдур-Раҳим ибн Имом уд-дин ал-Марғионий (ваф. 1271—72)нинг «Китоб ул-фусул ул-аҳком фи усул ул-аҳком» ва бошқа бир нечта фатволар тўпламини ҳисобга олмаганда, уламолар мавжуд асарларга шарҳ битиш билан машғул бўлдилар.

Мўғуллар истилоси даврида кўплаб Мовароуннаҳр фақиҳлари турли мамлакатларга кетиб қолдилар. Натижада XIII асрга келиб Мовароуннаҳр фақиҳлари ўз



етақчи мавқеларини йўқота бордилар. Минтақада суфийлик ғоялари, тасаввуф ҳаракати кенг ёйила бошлади.

Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг фаолияти ўрта асрларда Яқин Шарқ илму маърифат ва маданияти ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бу ўлка алломалари маҳаллий халқ анъаналарини, урф-одат ва расм-русумларини ислом дини мезонлари, талаблари нуқтаи назаридан таҳлил этиб, уларни янги тарихий шароитга мослаштиришга хизмат қилдилар. Бунинг натижасида Ўрта Осиё халқларининг ахлоқий, ҳуқуқий, маънавий қадриятлари ислом маданияти ва ҳуқуқшунослигида ўз аксини топди ва араб-ислом маданиятини маълум маънода бойитди. Шунинг учун ҳам ислом дини Мовароуннаҳр халқлари учун нафақат дингина, балки уларнинг турмуш тарзига айланиб қолди. Шу ўринда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган ҳанафий мазҳабини бошқа учта сунний мазҳабларга нисбатан ҳаётийроқ ва кенгроқ бўлганлигини ва мазҳабнинг бундай хусусиятлари маҳаллий аҳоли ҳаётига ислом дини талаб ва меъёрларини енгилроқ ва осонроқ ва шу билан бир қаторда чуқурроқ сингиб боришига хизмат қилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳанафий мазҳаби маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг, хусусан, ислом дини талабларига зид келмайдиганларини аниқлаб, уларга рухсат берди ва шу тариқа араб ислом маданиятини маҳаллий анъаналар билан бойитди. Юксак мақсадларга эришиш йўлида буюк бобокалонларимиз Мовароуннаҳрлик уламо, адиб ва фақиҳлар тинимсиз меҳнат қилиб Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби донгини етти иқлимга ёйдилар.

## МАВАРОУННАҲР ФИҚҲ МАКТАБИ НАМОЯНДАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

1. Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс ал-Бухорий (ваф.832) — фақиҳ, муҳаддис олим, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби асосчиси. Фиқҳ илмини имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийдан ўрганган. Бир қатор фақиҳларга устозлик қилган, уларнинг орасида у кишининг ўғиллари Абу Ҳафс ас-Сағир ҳам бор. Ёзган асарларидан «Китоб радд ала аҳли-л-аҳва», «Китоб ул-ихтилоф», «Ар-Радд ала-л-лафзия» ва бошқалар маълум.

2. Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 945) — машҳур фиқҳ олими. Абу Вақф

ал-Жузжонийнинг шогирди бўлган. Ўз навбатида ўзи ҳам қатор фақиҳларга устозлик қилган. Улар орасида Қози Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий, Али ибн Саид ар-Рустуғфаний, Абу Муҳаммад Абд ул-Қарим ибн Мусо ал-Баздавий ва бошқалар бор. Алломанинг ақоидга оид «Қитоб ут-Тавҳид», «Қитоб ул-мулоқот», «Қитоб ул-авҳом ал-муътазила», «Радд усул ул-хамса», «Радд ул-амама ли баъду равафид», «Радд ала-л-карамата» ва фикҳга оид «Маъхуз аш-шараи фи-л-фикҳ» ва «ал-Жадл фи усул ул-фикҳ» каби асарлари маълум.

3. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий (ваф. 984) — машҳур фикҳ олими, замондошлари орасида «имом ул-ҳуда», яъни тўғри йўлга элтувчи имом номи билан машҳур бўлган. Абу Жаъфар ал-Ҳиндувонийнинг шогирди бўлган. Аллома илмий меросини «Қуръон тафсири», «ан-Навозил», «ал-Уйун», «ал-Фатава», «Хизанат ул-фикҳ», «Бўстон ул-Орифин», «Шарҳ ул-Жомеъ ус-Сағир», «Танбиҳ ул-ғофилин» каби асарлари ташкил этади.

4. Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳусайн ибн Ияд Абу Наср ал-Иядий — таниқли фикҳ олими. Фикҳ илмини Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжонийдан олган. Бу аллома амалиётчи бўлган, шунинг учун асарлари маълум эмас. Бир неча шогирдлари қатори у кишининг икки ўғиллари Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад ал-Иядий ва Абу Бакр Муҳаммад ал-Иядийлар ҳам ўз оталаридан фикҳ илмини ўрганганлар. Аллома кофирларга қарши жангда душман қўлига асир тушиб шаҳид бўлган.

5. Муҳаммад ибн Мансур ибн Мухлис Абу Исҳоқ ан-Навқадий (ваф. 946) — таниқли фикҳ олими ва амалиётчиси. Бу кишининг устози Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний бўлган. Мударрислик ва муфтийлик фаолияти билан шуғулланган.

6. Абул-Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуғфоний (ваф. X аср) — Самарқанднинг йирик шайхларидан, фақиҳ олим. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг замондоши ва сафдошларидан. Бизга маълум бўлган асарларидан «Қитоб уз-завоид вал фавод», «Қитоб фи-л-хилоф» ва бошқалар.

7. Муҳаммад ибн ал-Йаман Абу Бакр ас-Самарқандий (ваф. X аср) — Самарқанд фикҳ мактабининг йирик намояндаларидан. Ақоидга оид масалаларни ишлаб чиқишда имом Мотуридийга сафдош бўлган. Ёзган асар-

ларидан «Маоим уд-дин», «Ар-Радд ала-л-Каррамия» ва бошқалар маълум.

8. Абд ул-Азиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Шамс ул-аимма ал-Ҳилвоний ал-Бухорий (ваф. 1057) — йирик фиқҳ уламоларидан. Ҳусайн Абу Али ан-Насафийдан таълим олган. Шу билан бирга ўзи ҳам қатор фақиҳларга устозлик қилган, жумладан таниқли фиқҳ олими Муҳаммад ас-Сарахсий алломанинг шогирдларидан ҳисобланади. Илмий меросини «ал-Мабсут», «Китоб ун-Наводир», «ал-Фатава ас-Суғро» каби асарлари ташкил этади.

9. Али ибн Муҳаммад ибн Абд ул-Карим ибн Муса ал-Баздавий (1010—1090) — фиқҳ илмининг йирик намояндаси, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби ривожига улкан ҳисса қўшган олим. Ниҳоятда самарали ижод қилиб, бой илмий мерос қолдирган. Жумладан «ал-Мабсут», «Шарҳ ул-Жомеъ ал-Кабир», «Шарҳ ул-Жомеъ ас-Сағир», «Китоб усул ал-Баздавий», «Китоб фи тафсир ул-Қуръон», «Гина ул-фуқаҳо» ва бошқалар. Манбаларда хабар қилинишича, «Китоб фи тафсир ул-Қуръон» асарининг ўзи 110 жилддан иборат бўлиб, ҳар бир жилдининг ўзи бир китоб ҳажмида бўлган. Аллома Самарқандда дафн этилган.

10. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Шамс ул-аимма ас-Сарахсий (ваф. 1047) — буюк фиқҳ олими, ўз даврининг имоми. Фиқҳ илмида устоз аллома Абд ул-Азиз ал-Ҳилвонийдан таълим олган. Ўз навбатида қатор фақиҳларга устозлик қилган. Алломанинг шогирдлари орасида Абд ул-Азиз ибн Умар ибн Мааза, Маҳмуд ибн Абд ул-Азиз ал-Ўзгандий, Усмон ибн Али ибн Муҳаммад ал-Байкандий каби уламолар бор. Аллома ҳоқонга насиҳат қилгани учун Ўзганда зиндонга ташланган. Зиндонда ётган пайтларида ўн беш жилдлик «ал-Мабсут», «Китоб фи усул ул-фиқҳ», «Шарҳ ас-сияр ал-кабир» каби асарларини ёзган. Ундан ташқари «Шарҳ мухтасар ат-Таҳовий» ва имом Муҳаммаднинг қатор асарларига ёзилган шарҳлари маълум.

11. Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Фахр уд-дин Қозихон ал-Ўзгандий ал-Фарғоний (ваф. 1196) — Мовароуннаҳрнинг машҳур фақиҳларидан, аллома замон мазҳаб мужтаҳиди бўлган. Фиқҳ илмида Заҳир уд-дин ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийдан таълим олган. Асарларидан «ал-Фатава ал-машҳура ал-мутадавила», «ал-Воқиот», «ал-Амолий», «Шарҳ уз-зиёдат», «Шарҳ

ул-Жомеъ ас-Сағир», «Шарҳ одоб ул-қадо» ва бошқалар маълум. Қатор етук фақиҳларга устозлик қилган. Шогирдлари орасида Жамол уд-дин ал-Хусайрий, Шамс ул-аимма Муҳаммад ал-Қардарий, Нажм ул-аимма ва Нажм уд-дин Юсуф ал-Хосий каби алломаларнинг номлари бор.

Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг мазкур ва қатор ҳали зикр қилинмаган забардаст алломалари қаторида ўзининг беназир қобилияти, беқиёс заковати ва бетакрор бой ижоди билан муносиб ўрин эгаллаган буюк аждодимиз, юртдошимиз Бурҳонуддин ал-Марғинович ҳазратлари фиқҳ соҳасидаги улкан хизматлари билан бу рўйхатда хос мавқе тутганлар.

## БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ — БУЮК ФАҚИҲ

√ Шайх ул-Ислом имом Бурҳонуддин ал-Марғиновичнинг асл исмлари Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ал-Ришдоний ал-Марғиновичдир. Бу зотнинг насаби Абу Бакр Сиддиқ разия Аллоҳу анҳуга бориб етади. Бу зот дин соҳасида ниҳоятда қамровли илм соҳиби бўлган. Бурҳонуддин ал-Марғинович фақиҳ, ҳофиз Қуръон, муҳаддис, адиб, шоир, ниҳоят даражадаги тақводор инсон бўлган. Шунинг учун аллома Бурҳонуддин ва-л-милла, яъни ислом динининг ва мусулмонларнинг далили, исботи деган шарафли ном билан улуғланган. Бу зотнинг нисбаларида ар-Ришдоний нисбасини ал-Марғинович нисбасидан олдин зикр қилинишининг сабаби, биринчидан алломани айнан Ришдонда таваллуд топганлиги бўлса, иккинчидан манбаларнинг хабар беришича, ўрта асрларда Ришдон Марғилондан кўра каттароқ шаҳар бўлган, шунинг учун ҳам Ришдон олдин зикр қилинган.

[Ҳазрат Бурҳонуддин ал-Марғинович 511 ҳижрий 1118 милодий сана ражаб ойининг саккизинчи куни душанбада чошгоҳ пайтида таваллуд топган.] Алломанинг таваллуд саналари хусусида ихтилофлар бор. Аксарият манбаларда бу зотнинг туғилган саналари умуман зикр қилинмайди. Аммо Абу Тоҳирхўжанинг «Самария» номли асарида аллома 515 ҳижрий 1123 милодийда таваллуд топганлари хусусида маълумот келтирилади. Лекин ЎзР ФА Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти шарқ қўлёзмалари хазинасида

сақланаётган «ал-Ҳидоя»нинг қадимий қўлёзма нусхаларидан бирида ҳам алломанинг таваллуд саналари 511 ҳижрий деб кўрсатилган. Демак, бўлғуси шайх ул-ислам айнан 511 ҳижрий 1118 милодий санада ҳозирги Фарғона вилоятининг Ришдон туманида таваллуд топган.

У зотнинг болалик ва ўсмирлик даври ҳақида батафсил маълумотлар бўлмаса-да, у кишининг ўқимишли ва зиёли оиладан эканлиги ҳақида манбалар гувоҳлик беради. Дастлабки таълимни Марғилонда олган. Ешлик чоғиданоқ Қуръони каримни ёд олиб, ҳадис илмидан мукаммал таълим олди. Кейинчалик ўша даврда Мовароуннаҳрнинг диний, илмий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган Самарқандга кўчиб бориб, ўша ерда истиқомат қилиб илмий фаолиятини олиб борган.

Бурҳонуддин ал-Марғинович 544 ҳижрий 1149 милодий йили Ҳаж сафарига бориб қайтган. Аллома 593 ҳижрий 1197 милодий йили зулҳижжа ойининг 14 кунини сешанбада вафот этган ва Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган. ✓

### **БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОВИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ**

Бурҳонуддин ал-Марғинович дастлабки таълимни ўз боболари Умар ибн Ҳабибдан олган. У киши ўқимишли ва замонасининг анча илғор кишиларидан бўлган. Кейинчалик илмларини янада мукаммаллаштириш мақсадида замонасининг қатор йирик уламоларидан таълим олган. Аллома ўзининг устозлари ҳақида «Китоб ул-машоих» асарида маълумот беради. Бевосита таълим берган устозлари рўйхати бошида шайх Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг номлари зикр қилинади. Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Луқмон «Муфти Сақилайни» Нажмуддин Абу Ҳафс ан-Насафий (1069—1143) замонасининг буюк алломаларидан фақиҳ, муҳаддис, муфассир, араб тили грамматикасининг уста билимдони бўлган. Ан-Насафийнинг устози Садр ул-Ислом Абу-л-Яср Муҳаммад ал-Баздавий эди. Аллома фиқҳ, ҳадис ва тафсир илмига алоқадор қатор асарлар яратган. Жумладан «Китоб ул-мавақит», «Талаб ут-Талаба» ва бошқа асарлари, шунингдек, мазҳаб уламоларининг асарларига битилган кўплаб шарҳлари унинг илмий меросини ташкил этади.

Ривоят қилишларича, жами юздан ортиқ асар ёзган, лекин улардан аксарияти бизгача етиб келмаган. Бу зот Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг бир неча асарлари билан танишиб, қимматли маслаҳатлар берган.

(Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳазратлари «Қитоб ул-Машайх» асарларида зикр қилган устозларидан яна бири Садр уш-Шаҳид Умар ибн Абд ул-Азиз ибн Умар ибн Маазза Абу Муҳаммад Ҳисом уд-диндир (1090—1142) Бу зот ўз замонасининг энг кўзга кўринган фақиҳларидан, ал-фуруъ ва ал-усулда, ал-маъқул ва ал-манқулда пешқадам аллома, йирик имомларидан бўлган. Бу кишининг устози оталари Бурҳонуддин ал-Қабир Абд ул-Азиз ниҳоятда билимли, зиёли алломалардан эдилар. Машаққатли меҳнат ва тинимсиз ижтиҳод туфайли Ҳисом уд-дин ҳазратлари фиқҳ илмида юксак даражаларга кўтарилган. Илмий мунозараларда барчани лол қолдирган, фақиҳларга дарс берган буюк аллома эди. Дастлаб Хуросон худудида шуҳрат қозонган алломанинг донғи бутун Мовароуннаҳрга ёйилди ва у ҳатто султон мақомига эришди. Бу маълумотлар аллома ас-Сабкийнинг «Табақот уш-Шофиъия» асарида келтирилган бўлгани учун у киши шофеъий бўлган, деган фикрга борганлар ҳам бор, лекин у киши ҳанафий бўлган. У зот қатор асарлар тасниф қилган бўлиб, улардан «Ал-Фатава ас-Суғро», «Ал-Фатава ал-Кубро», «Шарҳ одоб ул-Қадо», «Шарҳ ул-Жомеъ ус-Сағир» кабилар машҳурдир.

Ҳазрат Бурҳониддин ал-Марғиноний ўз асарларида алломани зикр қилиб, «У кишидан фиқҳ бобида кўп нарса ўргандим. Устоз менга жуда иззат-икром кўрсатар ва ҳатто ўзининг хос шогирдлари қаторида тутарди. Лекин шунга қарамай устоздан ривоят келтиришимга ижозат бермаган эдилар», деб эслайдилар.

Алломаи замон, фақиҳлар устози, султон Ҳисом уд-дин Умар ибн Абд ул-Азиз 536 ҳижрий—1142 милодий санада малъун кофир қўлидан Самарқандда шаҳид бўлганлар ва жасадларини Бухорога олиб бориб, ўша ерда дафн қилинган.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг устозларидан яна бири Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Носир ибн Абд ул-Азиз Зиё уд-дин ал-Банданижий бўлган. Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳазратлари у зотнинг рухсати билан ларсларида қатнашганлигини зикр этиб, «У зот менга Марвдаги барча суҳбатларида иштирок этишимга рух-

сат берди», деб эслайди. Бу воқеа 535 ҳижрий— 1140 милодий йили бўлган эди. У пайтда ҳазрат Бурҳонуддин ал-Марғиноний йигирма ёшда эдилар. Ал-Банданижийнинг ўзлари Мовароуннаҳрнинг машҳур фақиҳларидан Ало уд-дин ас-Самарқандийнинг шогирдларидан бўлган. Аллома ал-Банданижийнинг ёзма илмий мерослари ҳақида бизда маълумот йўқ. Эҳтимол аллома ёзма асарларини тасниф этмаган, чунки ал-Марғиноний ҳазратларини фақат «оғзаки суҳбатларда» иштирок этганликлари тўғрисида манбаларда учрайдиган маълумотлар ҳам бунга ишора бўлиши мумкин.

Ал-Марғиноний ҳазратларининг устоз шайхлари ҳақидаги китобларида жами қирқдан ортиқ алломаларнинг номлари зикр қилинади. Аллома бу устозларнинг айримларидан бевосита таълим олган бўлсалар, бошқаларининг илмий меросидан баҳраманд бўлганликларидан уларни ўзларининг устозлари деб атаганлар.

Мазкурдан хулоса қилишимиз мумкинки, аллома ўз замоналарининг пешқадам уламоларидан таълим олиб, уларнинг ибратли анъаналарини давом эттирибгина қолмай, бу анъаналарни анчагина бойитиб, янада юксакликка кўтарганлар. Бунга аллома илмий мероси билан танишганимизда ишонч ҳосил қиламиз, иншооллоҳ.

### **БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ АВЛОДЛАРИ ВА ШОГИРДЛАРИ**

Муаррихлар аллома Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг авлодлари ҳақида ҳам баъзи маълумотларни етказганлар. Сабаби, алломанинг авлодлари ҳам илм соҳасида юксак натижаларга эришганлар. Манбаларда алломанинг уч ўғилларининг исмлари зикр қилинади. Булар Имод уд-дин Муҳаммад ибн Али, Низом уд-дин Умар ибн Али ва Жалол уд-дин Муҳаммад ибн Алилардир. «Ал-ажайб ал-макдур фи ахбар Тимур» асари муаллифи алломанинг бир неча набиралари ҳам бўлганлигини хабар қилади.

Қуйида алломанинг авлодлари ва уларнинг бизга маълум бўлган илмий мерослари ҳақидаги айрим маълумотларни келтираамиз.

1. Имод уд-дин ибн Али ибн Абү Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний. Фиқҳ илмини ўз отаси «соҳиб ул-Ҳидоя»дан ўрганган. Шунингдек, бу

кишига қози Заҳир уд-дин ал-Бухорий ҳам устозлик қилган. Фатво чиқара оладиган даражадаги илмга эга бўлган. «Одоб ул-Қози» асарининг муаллифи.

2. Шайх ул-Ислоом Низом уд-дин Умар ибн Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ал-Марғиноний. Фатво чиқарадиган даражадаги фақиҳ олим бўлган. Фиқҳ илмидан таълимни оталаридан олганлар. «Жавоҳир ул-фиқҳ», «ал-Фавоид» ва бошқа қатор асарлар муаллифи.

3. Жалол уд-дин Муҳаммад ибн Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ал-Марғиноний фиқҳ илмидан таълимни оталаридан олганлар, фатво чиқариш даражасига етганлар. Ёзган асарлари маълум эмас.

4. Абд ул-Аввал ибн Бурҳонуддин Али ибн Имод уд-дин ибн Жалол уд-дин. Бу аллома «ал-Ҳидоя» муаллифининг набираларидан. Бу зот ҳам фақиҳ, муҳаддис, муфассир ва ғоят тақводор киши бўлган. Саййид Жалол уд-дин ал-Карлонийдан дарс олган ва у зотдан «ал-Ҳидоя»ни ривоят қилган. Уз навбатда Шамс уд-дин ал-Қадимийга устозлик қилган.

5. Абд ур-Раҳим Абу л-Фатҳ Зайн уд-дин ибн Абу Бакр Имод уд-дин ибн Али ибн Абу Бакр «ал-Ҳидоя» муаллифининг набираси. Фиқҳ илмини отаси Имод уд-диндан ўрганган. Ундан ташқари Мажид уд-дин ал-Уструшнийнинг шогирди Ҳисом уд-дин ал-Улё Бодийдан таълим олган Алломанинг «Ал-Фусул ал-Имодия» асари жуда ҳам машҳур. Турли хил фиқҳий масалалар тэран ва нафис шаклда берилган. Кўп ўринларда «Ал-Ҳидоя»га ишора қилинган. Бу асар 651 ҳижрий — 1254 милодий санада ёзилган. Бу зотнинг Бурҳонуддин ая-Марғинонийнинг укалари бўлган, деган тахминлар ҳам манбаларда зикр қилинади.

Юқорида биз алломанинг фарзандлари ва набираларининг айримларини зикр қилдик. Бу оила вакиллари алломадан кейин ҳам илмий-маърифий анъаналарни давом эттириб, ота-боболари бошлаган ишга муносиб ворислар бўлибгина қолмай, ўзларининг ажойиб асарлари билан фиқҳ илмини бойитишга муносиб ҳисса қўшганларининг гувоҳи бўлдик.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг яна бошқа қатор шогирдлари бор бўлиб, улар ҳам фиқҳ илми соҳасида юқори даражаларга эришганлар:

1. Шамс ул-аймма ал-Қардарий Муҳаммад ибн Абд ус-Саттор Муҳаммад (1203—1244) — фақиҳ, муҳаддис. Замондошлари у зотнинг фиқҳ илмидаги хизматларини



юкори баҳолаб, бу аллома фикҳ илмини тирилтирган деб улуғлаганлар.

2. Жалол уд-дин Маҳмуд ибн ал-Хусайн ал-Устурший, Фарғона вилоятида таваллуд топган. Фикҳ илмида Бурҳонуддин ал-Марғинонийдан таълим олган. Кейинчалик ўзи ҳам Шайх ул-Ислоҳ, Жалол уд-дин ва Бурҳонуддин каби шарафли номларга муяссар бўлган.

Бундан ташқари Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳазратларининг ижодидан баҳраманд бўлган барча издошлари у зотни ўзларига устоз деб билганлар ва у кишининг хайрли ишларининг давомчиси бўлишликни ўзларига шараф деб билганлар.

## БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ АСАРЛАРИ

Аллома Бурҳонуддин ал-Марғиноний бой илмий мерос қолдирганлар. Бизга маълум бўлган асарларидан қуйидагиларни зикр қилишимиз мумкин: «Китоб мажмуъ ун-Навозил», «Китоб ут-тажнис», «Китоб ул-мазид», «Китоб ул-фароиз», «Китоб ул-мунтақий», «Бидоят ал-мубтади», «Қифоят ул-мунтаҳий», «Нашр ул-мазҳаб», «Маносик ул-Ҳаж» каби қатор асарлар аллома ижодининг намуналаридир. «Бидоят ул-мубтади» асарининг ёзилиши тарихи хусусида муаллифнинг ўзи қуйидагича хотирлайди: «Олдиндан кўнглимда фикҳ бобида ҳажми унча катта бўлмаган, лекин чуқур мазмунли бир асар бўлса, деган бир фикр юрарди. Имом ал-Қудурийнинг «Мухтасари» ни кўриб қолдим. Бу асар фикҳ бобидаги ажойиб асар эди. Шу билан бир қаторда катта-ю кичик «Ал-Жомеъ ас-Сағир» тўпламини ёд олишга ҳаракат қиларди. Шунда ҳар икки асардан энг зарур ўринларини олиб бир асар яратишга жазм қилдим ва уни «Бидоят ал-Мубтади» деб номладим». Бу асарда мавзулар ва бобларнинг тартиби «Ал-Жомеъ ас-Сағир» тўпламидаги каби ҳолда тузилган. Бу хусусда муаллиф имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасанга ҳурмат юзасидан шундай йўл тутганини зикр қилади. Кейинчалик ал-Марғиноний бу тўпламга шарҳ ёзганлар ва уни «Қифоят ал-Мунтаҳий» деб номлаганлар. Бу асарга ёзилган иккинчи шарҳ эса «ал-Ҳидоя» фил фуруъ» деб номланган ва бу асар қисқа ном билан «ал-Ҳидоя» номи билан машҳурдир.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ижодига у зотнинг ҳамзамонларидан Фаҳр уд-дин Қозихон, ас-Садр ал-

Қабир Бурҳонуддин, шайх Заҳир уд-дин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий, шайх Зайн уд-дин Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Итобий ва бошқалар юксак баҳо берганлар.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳазратлари ҳанафий мазҳаби фақиҳлари орасида тўртинчи табақа алломалар сирасига мансуб эдилар. Абу Фирас ал-Ғассоний ўзининг «ал-Фавоид ал-Баҳияга илова» номли асаридида ал-Марғиноний ҳазратларини таржиҳ аҳлидан бўлиб, ривоятларнинг афзалини танлаб ҳукм баён этишда тенги йўқ аллома бўлганлар, деб эътироф этади. Муаллифнинг фикрича, фақиҳлар ичида Бурҳонуддин ал-Марғиноний имом Қозихондан асло наст бўлмамай, балки у киши ҳеч бўлмаганда мазҳаб мужтаҳидлари даражасида бўлишга ҳақли деб ҳисоблаб, у зотни айнан мазҳаб мужтаҳиди деб атаган.

### БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ БАЁН УСЛУБИ

Ҳазрат Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ўзига хос ижод ва баён услублари бор эди. У зот асарларида ҳатто ўз фикрларини ҳам биринчи шахс лафзида изҳор этмаганлар. Тарихчиларнинг хабар беришича, ҳазрат ҳатто қалбларига манманлик туйғуси бир лаҳза бўлсада оралаб қолиши эҳтимоли хавфидан чўчиб шундай қилар эканлар. Шайх Абд ул-Ҳақ ад-Деҳлавийнинг таъкидлашича, аллома асарларида «У зот (Аллоҳ ундан рози бўлсин) шундай деди» деган ибораларда айнан Бурҳонуддин ал-Марғинонийни назарда тутилишига ишора бўлган. Абу ас-Саъуд эса аллома қай бир асаридида ўзларининг фикрлари ёки ҳаракатларини ифода этсалар «У заиф қул (Аллоҳ уни кечирсин) деди» шаклида баён этганлар, фақат у кишининг вафотларидан кейингина шогирдлари бу шаклни «У зот (Аллоҳ ундан рози бўлсин) деди» шаклига ўзгартириб қўйганлар ва шунинг тариқа устознинг шахсиятига ҳурмат изҳор этганлар.

Алломанинг ўзига хос баён услубларидан яна бири ўзи танлаган фикр ва далилини ўзгалар фикридан кейинги ўринда келтиришдир. Бирон-бир фикрнинг масалага билдирилган турли нуқтан назарлар дастлаб зикр қилиниб, сўнгра ҳанафий мазҳабида танланган фикр келтирилади. Бундан ташқари ҳанафий мазҳаби доирасидаги фақиҳларнинг заифроқ далиллари ҳам олдин

келтирилиб, кучлисн кейинга қолдирилади. Шу тариқа қатор келтирилган далилларнинг энг сўнгги ўриндагиси, энг тўғриси масаланинг жавоби бўлиб қолади.

Муаллифнинг асарларида учрайдиган «Бизнинг шайхларимиз» ибораси Самарқанд ва Бухородан чиққан Мовароуннаҳр уламоларига ишора. Лекин бошқа бир фирга кўра, муаллиф ўзлари бевосита мулоқотда бўлмаган ва замондош бўлмаган уламоларга шу йўл билан ишора қилганлар. «Бизнинг диёримизда» деган ибора дарё орти минтақасида жойлашган шаҳарларни назарда тутди.

Далил сифатида Қуръони карим оятларидан келтирилган мисоллар ўтса, бу мисолларга ишора қилишда «Тиловат қилганимиздек» ибораси ишлатилган. Бу билан Қуръони каримга алоҳида ҳурмат намоеи қилинган. Ваҳоланки, ўтган бошқа далилларга ишора қилишда «Юқорида зикр қилганимиздек» ёки «Баён қилганимиздек» шаклида таъбир қилиш услуби қўлланилган.

Бундан ташқари асарларда зикр қилинган манбаларга ишора ҳам ўзига хосдир. Масалан, баъзи ўринларда учрайдиган «Асли» сўзи имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг «ал-Мабсут» асарига ишорадир. Шунингдек, «Мухтасар» сўзини зикр қилиниши «Мухтасар ал-Қудурий»га ишорадир. Аммо асарда «Китоб» сўзи зикр қилинган бўлса, бу ибора «ал-Жомеъ ас-Сағир» тўпламига ишорадир. Одатда муаллиф масалани бу икки манбадан дастлаб «Мухтасар ал-Қудурий»дагисини, сўнгра «Ал-Жомеъ ас-Сағир»дагисини зикр қилиш тартибига риоя қилган.

Агар бирон-бир масалада бу икки манба иборалари срасида фарқ бўлса, у ҳолда «ал-Жомеъ ас-Сағир»да қуйидагича деган услубда изҳор этилган. Лекин ҳар икки манбанинг ибораси бир хил бўлса, унда ибора сўнггида шунчаки «ал-Жомеъ» сўзи зикр қилинган. Ҳоҳида эса «деди» сўзи билан кифояланган.

Бу икки асарда келтирилган масалада жиддий ихтилоф бор бўлса, унда бу ҳолатга «дедилар» феълини ишлатиш йўли билан ишора қилинган.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг баён услубларидаги мазкур ўзига хосликлар асарнинг ўз олдига қўйган мақсадларини тўлақонли очиб беришга хизмат қилади. Бу услуб бир томондан асарнинг дастлабки ниҳоятда катта бўлган ҳажмини қисқартиришга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан у ёки бу ҳуқуқий масалаларга

алоқадор турли фикрларни тўлақонли ифода этиб, уларнинг орасидан энг марғуб ва мазҳаб доирасидаги энг тўғри хулосани чиқариб олишга ёрдам беради. Шу билан бирга муаллифнинг асарларини шу соҳадаги бошқа турдош асарлардан ижобий фарқлантириб туради.

Ҳазрат Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ҳаёт тарзларида яна бир одоб бор эди. У киши ҳар бир жиддий ишни ҳафтанинг чоршанба кuni чошгоҳ пайтида бошлашга одатланган эдилар. Чунки Пайғамбар алайҳиссаломдан ворид бўлган ҳадисда ҳафтанинг чоршанба кuni бошланадиган ҳар бир иш муваффақиятли бўлишлиги ҳақида айтилади. Имом Абу Ҳанифа ҳам худди шу ҳадисга асосланиб жиддий уринишларни айни шу кuni бошлашга одат қилган эканлар. Бундан ташқари имом Абу Ҳанифа илм соҳасидаги кишилар, яъни илм истаган кишилар учун сусткашлик ва лоқайдлик офатдир, деган эканлар.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳам худди шу фикрда бўлганлар ва умрларини илм иштадан бошқа нарсага сарфлашни дуруст эмас, деб ҳисоблаганлар. Шу сабабдан бўлса керак, бу зот имом Абу Ҳанифанинг шогирдларига ёзган «Васият китоби»дан хабардор бўлиб, бу асарни ўз шогирдларига ҳам тавсия қилганлар. Чоршанба кунини қутлуғ айёмлардан эканлигини ифода этувчи ҳадисни кўплаб муҳаддислар, жумладан имом ал-Бухорий ҳам зикр этганлар. Бу ҳадиснинг тарихида ривоят қилишларича, исломдан олдинги даврда ислом динида бўлмаган қавмлар ушбу кунни энг бахтсиз ва омадсиз кун деб ҳисоблашган. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳга муножот этиб ушбу кунни мусулмонлар учун омадли бўлишлигини сўраб душанба, сешанба, ва чоршанба кунлари дуо қилганлар. Айни чоршанба кuni пешин ва аср намози вақти орасида дуолари мустажоб бўлган. Шунинг учун чоршанба кунининг бир соати дуолар мустажоб бўладиган кун ҳисобланади. Шу сабабли Расули Акрам ҳар бир ишни чоршанбада бошлаш хайрли бўлишлигини айтганлар ва кўп аллоmlар қатори Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳам шуни ўзларига одат қилиб олганлар.

## БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ БЕНАЗИР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Аллома Бурҳонуддин ал-Марғиноний араб тилининг моҳир билимдони эдилар. У кишининг беқиёс сўз заргари бўлганлиги асарларининг тилида намоён бўлиб туриши билан биргаликда ажойиб назмий мисраларида ҳам яққол кўриниб туради. Алломанинг шеърийят билан қай даражада жиддий шуғулланганлари, шеърий тўпلام ёки бошқа бирон назмий асар таълиф этганлари ҳақида бизда маълумот йўқ. Лекин барча манбаларда у киши ҳақида маълумот берилган ўринларда бошқа сифатлари қатори шоир деган сифат ҳам зикр қилинади. Бизга маълум бўлган айрим шеърий сатрлари эса алломанинг шоирлик иқтидори ҳам анча баланд даражада бўлганлигидан далолат беради. Алломани ниҳоятда тақволи, ҳусни хулқда барчага намуна бўладиган даражада бетакрор одоб соҳиби бўлганликларини юқорида зикр этган эдик. Шу билан бир қаторда аллома мусулмон киши одоби ва дунёқараши юксак ва мукаммал бўлиб, ўзгаларга ибрат бўладиган даражада бўлишини истаб шундай бўлишга чақирганлар.

Масалан алломанинг ўз шогирдларига ёзган тўрт қатор шеърларида шундай дейилади

*Фасадун кабир алимун мутаҳаттик  
Ва акбар минҳу жаҳил мутанассик  
Ҳума фитнатун фи-л аламайни азима  
Ли ман биҳима фи диниҳи мутамассик.*

яъни:

*Ахлоқсиз олим катта фасоддир,  
Тарки дунё қилган жоҳил ундан ҳам ёмон.  
Булар икки дунёнинг кушандасидур,  
Ким улар ўртасида диндан топгайдир омон.*

Демак, кимки олимлик даражасига муяссар бўлса-ю, ўзи мунофиқ, ахлоқсиз, одамлар орасида ёмонлик, фасод тарқатиб юришни, ихтилофлар чиқариб, уларнинг ўртасида бир-бирига адоват қўзғатишни касб қилиб олган бўлса, бундай олим мусулмонлар учун ҳам, жамият учун ҳам, дин учун ҳам катта зарардир. Узи илм-сиз жоҳил, лекин тарки дунё қилиб, Аллоҳ берган, ис-

Мом дини рухсат этган неъматлардан баҳраманд бўлишдан беасос қайтарувчи зоҳидлар ундан ҳам ёмон. Бу икки хил тоифа одамларнинг амаллари икки дунё саодатининг ҳам кушандасидир. Бундай одамларга билиб ёки билмай эргашган кимсалар бу дунёда ҳам на обрў, на эҳтиром ва на эътибор топмайдилар, охират саодатларига путур етказиб ноумид қоладилар. Бас шундай экан, бундай кимсалар бор замонда яшовчи ҳамзамонлар икки дунё саодатига муяссар бўлиш учун ўз динларини маҳкам тутсинлар. Бунинг учун ўз динларини ўргансинлар, билсинлар, ҳар қандай ноқобил «алломаларга» эргашмасинлар, шундагина икки дунё саодатига муяссар бўлсалар шояд.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний ислом дини қонундунослигини мукаммал ўрганар эканлар, унинг инсонпарвар, юксак ахлоқий ва маънавий ғояларини жамият ҳаётига, мусулмонларнинг турмуш тарзига сингдириш ва амалий татбиқ этиш йўлида жонбозлик кўрсатганлар. Алломанинг шариятдаги мазҳаблар ичида энг халқчили, амалиётга татбиқ қилишда энг мақбули бўлган ҳанафий мазҳабига мансуб бўлганликлари ҳам эҳтимол бежиз эмасдир. Ана шу юксак ғояларни кишиларнинг онгига сингдириш ва ҳаётига татбиқ этиш йўлида ижод қилинган нозик назмий сатрлардан кичик бир мисолниш гувоҳи бўлдик.

### **«АЛ-ҲИДОЯ» — БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ ШОҲ АСАРИ**

Аллома ижодидаги ҳар бир асар ўз ўрни ва вазнига эга бўлса-да, муаллифнинг номини бутун ислом оламига машҳур қилган шоҳ асар бу «ал-Ҳидоя»дир.

Бу асар 573 ҳижрий — 1178 милодий йили зу-л-қарда ойининг чоршанба куни туш пайтида ёзила бошланган. Унинг ёзилишига сабаб, фикҳий масалаларга бағишлаб дастлаб ёзилган асар «Бидоят ал-мубтади»га битилган биринчи шарҳ «Кифоят ал-мунтаҳий»нинг ҳам ҳажми жуда катта бўлиб, фойдаланувчилар учун анча ноқулай бўлганлигидир.

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг таржимаи ҳолидан бизга маълум бўлишича, бу зот ниҳоятда илмли ва зукко бўлишлиги билан бирга, камтар, меҳнаткаш ва юқори даражада тақводор киши бўлган. Алломанинг бу хислати «ал-Ҳидоя» таснифи жараёнида ҳам намоён

бўлган. Бу асарни муаллиф ўн уч йил давомида ёзган. Эътиборли томони шундаки, мана шу узоқ муддат давомида аллома узлуксиз рўзадор бўлганлар. Шу билан бир қаторда ҳазрат рўзадор эканликларини бировга билдирмаганлар. Ривоят қилишларича, овқат вақти бўлиб хизматчилар устозга овқат олиб келсалар, у киши бир сўз демай олиб қолар, хизматчи чиқиб кетгач, овқатни талабаларга едириб, яна бўшаган косани ўрнига қўйиб қўяр эдилар. Бўшаган идишни олиб кетгани келган хизматчи шу тариқа алломани рўзадор эканликларидан хабар топмас эди.

«Ал-Ҳидоя» асари мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган деярли барча ҳуқуқий ҳолатларни ўз ичига олган кенг қамровли асардир. У икки жилд ва тўрт жуъдан иборат бўлиб, ўз навбатида жуълар китоб, боб ва фаслларга бўлинган. Асарнинг биринчи жуъига ибодатдаги амалий масалаларга бағишланган бешта китоб киритилган.

Биринчи китоб — «Китоб ут-Таҳорат» («Поклик ҳақидаги китоб») деб номланади. Бу китобда ислом дини нуқтаи назаридан қай тариқа покланиш мумкин, қандай одам пок ва ибодат қилишга ҳозир, қачон пок ҳисобланади, нопок нарса билан булганиб қолса қандай қилиб покланади, намоз учун қилинадиган таҳорат нима ва у қай тартибда амалга оширилади ва ҳоказолар ҳақида сўз юритилади. Бу китоб беш боб ва етти фаслдан иборат.

Иккинчи китоб — «Китоб ус-Салот» («Намоз ҳақидаги китоб») деб аталади. Унда намозга алоқадор бўлган барча масалалар бўйича кўрсатмалар бор. Жумладан, намоз вақтлари, азон айтиш, намознинг шартлари, уни адо этиш тартиби, намознинг турлари, намозда қироат қилиш тартиби, беморларнинг намозлари, жаноза намози, дафн маросими ва ҳоказолар шу китобдан ўрин олган. Бу китоб йигирма уч боб ва ўн уч фаслдан ташкил топган.

Учинчи китоб — «Китоб уз-Закот» («Закот ҳақидаги китоб») деб аталади. Бу китоб бадавлат одамларнинг мол-мулки нисобга (ислом дини белгиланган меъёрга) етиб, ундан кундалик эҳтиёжга ишлатилмаётган қисмидан бева-бечора, етим-есир, муҳтожларга ажратиб бериш йўли билан амалга ошириладиган ибодат ҳақидадир. Унда закотга қандай молдан, қанча миқдорда, кимга, қачон ва қайси тартибда берилиши ва закот билан

боғлиқ бошқа масалалар баён қилинади. Бу китоб етти боб ва тўққиз фаслдан иборат.

Тўртинчи китоб — «Китоб |ус-Савм» («Рўза ҳақидаги китоб») деб аталади. Китобнинг номланишидан кўриниб турганидек, бу китоб ислом ибодатидаги фарзларнинг тўртинчиси ҳисобланмиш рўза ҳақида бўлиб, унда рамазон ойининг кириб келганлигини аниқлаш масаласидан тортиб то рамазон ойида эътикоф ўтиришгача бўлган рамазон ойи ва рўза тутишга алоқадор барча масалаларга оид қоидалар баён этилган. Бу китоб қисқа икки боб ва уч фаслдангина иборат.

Бешинчи китоб — «Китоб ул-Ҳаж» («Ҳаж ибодати ҳақидаги китоб») деб номланади. Ибодат масалаларига бағишланган китобларнинг бешинчиси ва сўнггиси бўлган бу китобда ҳаж ибодатини адо этиш тартиби ва талаблари, эҳром кийиш, эҳромдаги кишини ўзини қандай тутиши, тавоф қилиш тартиблари ва бошқа ҳаж ибодатига алоқадор масалалар ўрин олган. Бу китоб ўн боб ва беш фаслга бўлинган.

«Ал-Ҳидоя» асарига киритилган ибодат масалаларига оид бўлимлар ана шулардан иборат. Аҳамияти нуқтаи назардан иккинчи ўринда ёки ибодат масалаларидан кейин биринчи ўринда ижтимоий масалалар ўрин олган. Ижтимоий масалалар ичида ҳар қандай жамиятнинг ўзагини ташкил этувчи оила ва никоҳ масалалари «Китоб ун-Никоҳ» («Никоҳ ҳақидаги китоб»)да баён этилган. Бу китобда ўзаро никоҳга кириши мумкин бўлмаган қариндошлик (махрамлик) даражалари, никоҳ шартномасини тузиш қоидалари, маҳр масаласи, турли хил миллат ва диёнат вакилларининг никоҳга киришлари масаласи ва бошқа қатор мавзулар ўрин олан. Бу китоб беш боб ва тўрт фаслдан иборат.

Олтинчи китоб — «Китоб ур-Ризо» («Сут эмизиш ҳақидаги китоб») бўлиб, бу китобда аёлларни бегона болани эмизишлари натижасида вужудга келадиган ҳуқуқий масалалар баён этилган. Бу китоб қисқа ҳажмда бўлиб, боб ва фаслларга ажратилмаган.

Еттинчи китоб — «Китоб ут-Талоқ» («Талоқ ёки эрхотин ўртасидаги ажрим ҳақидаги китоб»). Бу китобда ислом дини нуқтаи назаридан никоҳнинг бузилишинима, у қандай тартибда амалга оширилади, талоқларнинг турлари, унинг оқибатлари ва масъулияти, идда масаласи, талоқ қилинган аёлнинг нафақаси масаласи



ва талоққа алоқадор бошқа масалалар баён этилган. Бу китоб ўн беш боб ва ўн саккиз фаслдан иборат.

«Китоб ул-итоқ» («Қулларни озод қилиш ҳақидаги китоб») иккинчи жузънинг биринчи китобидир. Бу жузъ умуман тўққиз китобдан иборат бўлиб, мазкур китоб олти боб ва бир фаслдан иборат. Бу китобда қулларни қай ҳолда, қайси тартибда озод қилиш, унинг услублари, шартлари ва ҳоказолар баён этилган.

Иккинчи китоб — «Китоб ул-Айман» («Қасам ҳақидаги китоб») бўлиб, ислом динида қасам ичиш масалаларига бағишланган. Унда қасамни ўзи нима, қандай ҳолларда қасам ичилади, унинг тўғри-нотўғрилиги масаласи, қасамнинг турлари, масъулияти ва оқибатлари ҳақида баён қилинади. Бу китоб ўн бир боб ва икки фаслдан иборат.

Учинчи китоб — «Китоб ул-Худуд» («Жазолар ҳақидаги китоб») да эса жиноятнинг жазоси ҳақида кўрсатма берилади. Унда жазоларнинг турлари, уни амалга ошириш услублари, қандай жиноятга қандай жазо берилиши масалалари, гувоҳликдан қайтишнинг масъулияти, туҳматга бериладиган жазо, ароқхўрнинг жазоси, огоҳлантириш ва бошқа масалалар тўрт боб ва икки фаслда баён этилади.

Тўртинчи китоб — «Китоб ус-Сарқа» («Ўғирлик ҳақидаги китоб») бўлиб, жиноятнинг яна бир тури ўғирлик жиноятига бағишланган. Унда ўғирлик нима, унинг турлари ва ўғирлик жиноятига бериладиган жазо, қандай ҳолда оёқ ёки қўлни кесиш жазоси тайинланади, бу жазо қандай қилиб амалга оширилади ва йўлтўсарлик жиноятлари баён қилинган. Бу китоб уч боб ва икки фаслдан иборат.

Бешинчи китоб — «Китоб ус-Сияр» («Ҳарбий юришлар китоби») да жангни ким билан ва қандай олиб бориш, унда қўлга киритилган ўлжаларни тақсимлаш, бошпана бериш, товон тўлаш, муртадларнинг ҳукми ва бошқалар баён этилган. Бу китоб ўн боб ва олти фаслдан ташкил топган.

Олтинчи китоб — «Китоб ул-Лақит» («Топиб олингани бола ҳақидаги китоб») бўлиб, у боб ва фаслларга бўлинмаган. Бола топиб олинса, унинг мақоми нима бўлади, эркак киши топиб олса қандай, аёл киши топиб олса қандай, у қайси динга мансуб ҳисобланади ва ҳоказо мавзулар баён этилади.

Еттинчи китоб — «Китоб ул-Лақта» («Топиб олин-

ган нарса ҳақидаги китоб») да эса топиб олинган нарса устида бўладиган ҳаракатлар баён этилади. Бу китоб боб ва фаслларга ажратилмаган.

Саккизинчи китоб — «Китоб ул-Обоқ» («Қочқин қуллар ҳақида») бўлиб, унда тутиб олинган тутқиннинг ҳукми, уни ўз эгасига қайтириш шартлари ва бошқа масалалар баён қилинган.

Тўққизинчи китоб — «Китоб ул-Мафқуд» («Бедарак йўқолганлар ҳақидаги китоб») да бедарак йўқолган одамнинг ҳукми, унинг мол-мулкига эгалик қилиш масаласи, аҳли оиласини таъминлаш, қанча муддатдан кейин бедарак йўқолган кишини ўлган деб ҳисоблаш, унинг меросхўрлари ва унинг мероси тақсимооти каби масалалар баён қилинган. Бу китоб ҳам боб ва фаслларга ажратилмаган.

«Ал-Ҳидоя»нинг учинчи жузъи «Китоб уш-Шарика» («Шерикчилик ҳақидаги китоб») билан бошланади. Бу жузъ йигирма икки китобдан иборат. Бу китобда икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг биргаликда иш олиб боришлари, бу ишни ташкил қилиш, унинг турлари, томонларнинг ҳуқуқ ва масъулиятлари ва бошқа мавзулар ҳақида сўз боради. Бу китоб фақатгина тўрт фаслга ажратилган.

Иккинчи китоб — «Китоб ул-Вақф» («Вақф китоби») деб номланиб, унда вақф мулки, унинг хусусиятлари, мол-мулкни вақф қилиш ва унинг оқибатлари ҳақида баён қилинади. Бу китобда атиги бир фасл бор.

Учинчи китоб — «Китоб ул-Буйуъ» («Олди-сотди ҳақидаги китоб») бўлиб, бу китоб асардаги энг катта ва аҳамиятли китоблардан биридир. Бу китобда савдога, яъни олди-сотдига алоқадор масалалар — шартлашув, айбини кўрсатиш, олди-сотдини бекор қилиш, рибо (судхўрлик) масаласи ва бошқа мавзулар кўрсатиб ўтилган. Бу китоб ўн боб ва беш фаслдан иборат.

Тўртинчи китоб — «Китоб ус-Сарф» деб аталиб, унда бир хил жинсда бўлган қийматли нарсалар билан ўзаро олди-сотди қилиш, унинг шартлари ва тартиби ҳақида баён қилинади. Бу китоб боб ва фаслларга бўлинмаган.

Бешинчи китоб — «Китоб ул-Кафала» («Кафолат китоби») бўлиб, унда мол билан, нафс билан кафолат бериш, унинг шартлари, тартиби, масъулияти ва оқи-

батлари ҳақида баён қилинади. Бу китоб икки боб ва бир фаслдан иборат.

Олтинчи китоб — «Китоб ул-Ҳавала» («Қарзларни бировдан иккинчи бир кишига ўтказиш ҳақидаги китоб») бўлиб, сарлавҳанинг номидан ҳам кўриниб турганидек, унда қарздор ва ҳақдор ўзаро келишилган ҳолда қарзни бошқа бир кишига ўтказиши, унинг шартлари ва йўл-йўриқлари ҳақида баён қилинади.

Еттинчи китоб — «Китоб одоб ул-Қози» («Қозининг одоби ҳақидаги китоб») деб аталади. Бу китоб судьялик, бу вазифани ким адо этиши мумкинлиги, судьялик фаолиятини олиб бориш шартлари, гумон қилинган шахсларни ҳибсга олиш, муайян кафолат эвазига қўйиб юбориш, ҳукм чиқаришда иштирок этиш, мерос хусусидаги фуқаролик ишлари, меросхўрни аниқлаш, ҳукм чиқариш, ҳукмни адо этиш каби масалаларга оид қондалар баёнига бағишланган. Бу китоб икки боб ва тўрт фаслдан иборат.

Саккизинчи китоб — «Китоб уш-Шаҳада» («Гувоҳлик ҳақидаги китоб») деб аталади. Бу китоб гувоҳлик нима, кимлар гувоҳлик бериши мумкин, кимга бундай ҳуқуқ берилмайди, гувоҳлик бериш қандай тартибда амалга оширилади, гувоҳлар ўртасида ихтилоф ҳолати, мерос масаласидаги гувоҳлик, гувоҳлар устидан бериладиган гувоҳлик каби масалаларнинг баёни ҳақидадир.

Тўққизинчи китоб — «Китоб ур-ружуъ ан шаҳада» («Берилган гувоҳликдан қайтиш ҳақидаги китоб»). Бу китоб гувоҳлар берган гувоҳликдан қачон ва қандай тартибда қайтишлари мумкин, бу гувоҳлар берган гувоҳликлари инobatга олиниш-олинмаслиги, ҳукм чиққандан кейин гувоҳликдан қайтиш ва унинг оқибатлари ва бошқа масалалар баёнига бағишланган.

Унинчи китоб — «Китоб ул-Вакала» («Ваколатлар ҳақидаги китоб») олди-сотди ишларидаги можароли ҳолатларни хал қилишда ва бошқа масалаларда ваколат бериш хусусидаги қондаларни баён қилишга бағишланган.

Ун биринчи китоб — «Китоб уд-Даъва» («Даъволар ҳақидаги китоб») деб аталади ва даъвогарлик, даъво қилиш тартиби, даъвогар ким, жавобгар ким, даъвогарлик қилувчининг қасам ичиши, қасам қай тартибда амалга оширилади ва ҳоказоларга бағишланган. Бу китоб тўрт боб ва уч фаслдан иборат.

Ун иккинчи китоб — «Китоб ул-Иқрор» («Иқрор бў-

лиш ҳақидаги китоб») деб аталиб, унда қилган ишига ёки айтган гапига иқроор бўлиш, тўла иқроор бўлиш ёки қисман истисно қилиш, бемор одамнинг иқроори қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги, истиснонинг маъноси каби масалалар баён қилинган. Бу китоб икки боб ва икки фаслдан иборат.

Ун учинчи китоб — «Китоб ус-Сулҳ» («Сулҳ ҳақидаги китоб») номи билан аталган бўлиб, кишилар ўртасини ислоҳ қилиш, сулҳнинг турлари, қарз масаласидаги сулҳ, шериклар орасидаги қарз борасидаги сулҳ каби масалалар борасидаги қондалар баён қилинган. Бу китоб икки боб ва уч фаслдан иборат.

Ун тўртинчи китоб — «Китоб ул-мудораба» («Ишбилармонликда шерикчилик ҳақидаги китоб») да шерикчиликнинг яна бир тури бир томоннинг маблағи, иккинчи томоннинг меҳнати орқали иш олиб бориш йўли билан амалга ошириладиган ишбилармонлик, унда томонларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятлари, бир томоннинг учинчи бир томон билан ҳам бир вақтнинг ўзида иш олиб бориши мумкин ёки мумкин эмаслиги, томонларнинг бирининг шерикчиликдан чиқиши ва фойда тақсимооти, томонлар ўртасида содир бўладиган келишмовчиликларни ҳал қилиш ҳақидаги масалалар баён қилинган. Бу китоб бир боб ва тўрт фаслдан иборат.

Ун бешинчи китоб — «Китоб ул-Вадиъа» («Омонатлар ҳақидаги китоб») бўлиб, маблағларни омонатга қўйиш, унинг тартиб ва йўл-йўриқлари, шериклар томонидан омонат қўйиш, улардан бирини шеригисиз ўз улушини олишга ҳақли ёки ҳақли эмаслиги ва бошқа масалалар шу китобда баён этилган.

Ун олтинчи китоб — «Китоб ул-Ория» («Мол-мулкни фойдаланишга бериш ҳақидаги китоб») бўлиб, у бировнинг мол-мулки ва маблағи ёки бошқа бирон-бир фойдаланиш мумкин бўлган нарсасидан фойда бермасдан, яъни фоиз тўламасдан фойдаланиш, уни амалга ошириш тартиби, олувчи ва берувчи ўртасидаги муносабатлар, қандай ва қандай ҳолатларда берилган нарсга қарз ҳисобланиши, мулк эгасининг фойдаланишга берган нарсасини қайтариб олиш ҳуқуқи ва шунга ўхшаш мавзуларни ўз ичига олган.

Ун еттинчи китоб — «Китоб ул-Ҳиба» («Совға бериш ҳақидаги китоб») деб номланган бўлиб, у бировга бир нарсани совға қилиш, унинг тартиби, совға олувчи ва берувчининг масъулиятлари каби масалалар

баёнига бағишланган. Бу китоб бир боб ва икки фаслдан ташкил топган.

Ун саккизинчи китоб — «Китоб ул-Ижарат» («Ижаралар ҳақидаги китоб») мол-мулкни, ер — турар жойни ва бошқа нарсаларни ижарага бериш, унинг қондалари, ижарага олиш ва бериш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган нарсалар, ижара шартномасидаги ихтилофлар, қулларни ижарага бериш ва ижара билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар шу китобда баён этилган. Бу китоб тўққиз боб ва бир фаслдан ташкил топган.

Ун тўққизинчи китоб — «Китоб ул-Мукотаб» («Муайян маблағ ёки мулк ҳисобига озод бўлиш тўғрисида шартнома тузган қуллар ҳақидаги китоб») бўлиб, қулларни муайян маблағ ёки мол-мулк ҳисобига озод қилиш тўғрисида шартнома тузиш, бундай шартноманинг аҳамияти, унинг бекор бўлишига сабаб бўлиши мумкин бўлган омиллар, шартномага рози бўлган қулнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ёзма шартнома тузган қуллар, яъни мукотабларнинг ўз хожалари билан бўладиган муносабатлари, икки кишига қарашли бўлган қулнинг шартнома тузиши мумкин ёки мумкин эмаслиги каби ҳуқуқий масалалар шу китобда акс эттирилган. Бу китоб тўрт боб ва уч фаслдан иборат.

Йигирманчи китоб — «Китоб ул-Вила» («Ҳимоясига олиш ҳақидаги китоб») деб номланади. Бу китобда озод бўлган қулни, яъни мукотабни хожаси томонидан ўз ҳимоясига олиши, бунинг учун зарур бўлган шартлар, уни амалга ошириш ва адо этиш қондалари баён этилган.

Йигирма биринчи китоб — «Китоб ул-Икроҳ» («Зўрлаш ёки мажбурлаш ҳақидаги китоб») бўлиб, у бирон-бир тижорат иши ёки бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракатни бажаришга бирор-бир кишини иккинчи бир киши томонидан мажбур қилиш, унинг оқибатлари ва томонларнинг бу ҳолдаги масъулиятларини баён этади. Бу китобда фақат битта фасл ажратилган.

Йигирма иккинчи китоб — «Китоб ул-Ҳажр» («Қарамоғига олиш ҳақидаги китоб») деб номланиб, қайси тонфадаги одамлар қарамоғда бўлишга муҳтож, бировни қарамоғига олиш қайси йўл билан амалга оширилади, қачондан бошлаб киши бировнинг қарамоғида бўлишга муҳтож эмас, деб ҳисобланади ва шу мавзу-

ға оид бошқа қойдаларни ўз ичига олади. Бу китоб бир боб ва бир фаслдан ташкил топган.

«Ал-Ҳидоя»нинг иккинчи жилд тўртинчи жузъида ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларга алоқадор қонун-қоидаларга бағишланган. Бу жузъга жами ўн еттита китоб киритилган. Бу жузънинг биринчи китоби «Китоб ул-Маъзун» («Муайян эркинликлар берилган қул») деб аталиб, унга қулларга ким ва қандай эркинликлар бериши мумкинлиги, бундай ҳуқуқий ҳолат қул учун қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқариши, қул ва унинг хожаси ўртасидаги муносабатлар ва бу борадаги қатор ҳолатларга алоқадор қоидалар киритилган.

Иккинчи китоб — «Китоб ул-Ғасб» («Зўравонлик ҳақидаги китоб») да зўравонлик тушунчаси, бундай хатти-ҳаракат содир этганларнинг жавобгарлиги, зўравонликка дучор бўлган кишининг ҳуқуқлари ва шунга алоқадор бошқа ҳолатлар хусусидаги қоидалар баён қилинган. Бу китоб уч фаслдан ташкил топган.

Учинчи китоб — «Китоб уш-Шуфъа» («Сотиб олиш ҳуқуқида бошқалардан устунроқ бўлиш ҳақидаги китоб») деб номланади ва унда олди-сотдида, масалан, уй-жой ёки ер мулки ва шунга ўхшаш нарсалар савдосида ўша ҳовлига қўшни бўлган кишиларнинг бу турар жойга харидор бўлишга ҳаққи устунроқ эканлиги ҳақида баён қилинади. Бу китоб уч боб ва тўрт фаслдан иборат.

Тўртинчи китоб — «Китоб ул-Қисма» («Тақсимлаш ҳақидаги китоб») шериклар ўртасидаги мол-мулкни тақсимлаш қоидаси, томонларнинг ҳуқуқлари, тақсимлаш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳал қилиш йўллари, бўлинадиган ёки бўлиб бўлмайдиган мол-мулк, тақсимотдан норози томоннинг даъво қилиш тартиби, ўзаро келишиб олиш имкониятлари ва бошқа масалалар баёнига бағишланган. Бу китобда бир боб ва тўрт фасл бор.

Бешинчи китоб — «Китоб ул-Музораа» («Қишлоқ хўжалиги ишларида шерикчилик ҳақидаги китоб») да экин-тикин ўстириш, ҳосил олиш борасида шерикчиликнинг қандай турлари бор, уни қандай тартибда амалга оширилади, умуман бу соҳада шерикчилик қилишда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳал қилиш қоидалари баён қилинган.

Олтинчи китоб — «Китоб ул-Мусоқа» («Мевали да-

рахтлар устидан шерикчилик қилиш ҳақидаги китоб»). Бу китобда ҳам олдинги китобдаги сингари қоидаларга амал қилиб, мевали дарахтдан олинадиган ҳосилга шерикчилик ҳақида гап боради.

Еттинчи китоб — «Китоб уз-Забайх» («Жонзот сўйиш ҳақидаги китоб») деб аталади ва унда қандай жонзотни сўйиб гўштини еб бўлади, жонзот қай тартибда сўйилиши керак, ким сўйган жонзотнинг гўштини еб бўлади-ю, кимнинг сўйганини истеъмол қилиб бўлмайди, қайси жонзотларнинг гўшти ҳалол бўлмайди, жонзотни сўйиш, унинг гўшти устидан бўладиган бошқа ҳукмлар хусусида гап боради.

Саккизинчи китоб — «Китоб ул-Адҳия» («Қурбонлик қилиш ҳақидаги китоб») ҳисобланади. Унда қурбонлик нима, унинг моҳияти, қурбонлик қилиш кимга буюрилади, унинг адо этилиш вақти, тартиби, қурбонликка сўйиладиган жонзотнинг тавсифи ва қурбонликка оид бошқа қонун-қоидалар баён этилган.

Тўққизинчи китоб — «Китоб ул-Қараҳия» («Таъқиқлаш ҳақидаги китоб») деб номланади. Бу китобда озиқ-овқат, рўзғорда ишлатиладиган асбоб-анжом, кийим-кечак, бегона аёлларга назар ташлаш, тижорат ишларида ва инсон ҳаётининг бошқа турли жабҳаларида таъқиқланган хатти-ҳаракатлар баён этилган. Бу китоб олти фаслдан иборат.

Унинчи китоб — «Китоб иҳйа ул-Мават» («Ҳосилсиз ерларни ўзлаштириш ҳақидаги китоб») деб номланади. Бу китобда қандай ерлар бу тоифага киритилиши, уларни ўзлаштиргандан кейин унга эгалик қилиш ҳуқуқи, сув манбаларига эгалик қилиш, уларнинг турлари, бу масалалар юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилиш қоидалари ва бошқа йўл-йўриқлар баён этилган. Бу китоб уч фаслдан иборат.

Ун биринчи китоб — «Китоб ул-Ашриба» («Ичимликлар ҳақидаги китоб»), бу китобда истеъмол қилиниши таъқиқланган ичимликлар, уларнинг турлари, таъқиқланиш сабаблари, мевалардан олинган ичимликларнинг қандай турларининг истеъмол қилиш мумкин ва уларни тайёрлаш услублари ва бошқалар ҳақидаги қоидалар баён қилинган.

Ун иккинчи китоб — «Китоб ус-Сайд» («Ов қилиш ҳақидаги китоб») бўлиб, унда қандай жонзотларни ов қилиш мумкин, ов қилиш жараёнида қандай ҳайвон-

ләрнинг хизматидан фойдаланиш мумкин, қайси ҳолатда қўлга олинган жонзотни истеъмол қилиш мумкин, бу ва шунга ўхшаш овчиликка алоқадор қатор қондалар баёни ўрин олган. Бу китоб икки фаслдан ташкил топган.

Ун учинчи китоб — «Китоб ур-Раҳн» («Заколат олиш ва бериш ҳақидаги китоб») деб номланади. Бу китобда заколат олиш ва бериш тартиби, қандай нарсаларнинг заколат бўла олиши, заколатни учинчи бир шахсга бериб қўйиш, заколатга қўйилган нарсани ишлатиб қўйиш, унинг жавобгарлиги, шунингдек, заколат олиш ва бериш билан боғлиқ бўлган барча асосий қондалар мана шу китобдан ўрин олган. Бу китоб тўрт боб ва уч фаслдан иборат.

Ун тўртинчи китоб — «Китоб ул-Жиноят» («Жиноятлар ҳақидаги китоб») бўлиб, бу китобда жиноятнинг турлари, қотиллик жинояти, унинг турлари, қотилга нисбатан қасос вожиб бўлиши ёки вожиб бўлмаслиги масаласи, қўлни кесишга ҳукм қилинадиган жиноятлар, қотиллик жиноятига гувоҳлик масаласи ва умуман жиноятларга алоқадор бошқа ҳолатлар ҳақидаги қонунлар баён этилган. Бу китоб тўрт боб ва уч фаслдан иборат.

Ун бешинчи китоб — «Китоб уд-Дийят» («Қон хуни ҳақидаги китоб») дир. Бу китобда хунга сабаб бўладиган ҳолатлар, унинг ўрнига тўланиши мумкин бўлган каффорат, ҳар бир тана аъзоси бадалига дийя тўланиши, бирон иншоот ёки жиҳоз бирон кишига зарар етказса, ана шу иншоотнинг ёки жиҳознинг эгаси дийя тўлаши, дийянинг миқдори ва дийя тўғрисидаги бошқа масалалар баён қилинади. Бу китоб беш боб ва етти фаслдан иборат.

Ун олтинчи китоб — «Китоб ул-Васийя» («Васиятлар ҳақидаги китоб») бўлиб, унда васият нима эканлиги, қандай мулкнинг қанча миқдори васият қилиниши мумкинлиги, ким кимга васият қолдириши мумкин, қилинган васиятдан қайтиш мумкин ёки мумкин эмаслиги, оғир бемор бўлган кишининг васияти, яқин кишиларга ва бошқаларга қилинган васият, мусулмон бўлмаганларнинг васиятлари, васият масаласидаги гувоҳлик каби васият билан боғлиқ бўлган бошқа қатор масалалар юзасидан бўлган қондалар баён қилинган. Бу китоб етти боб ва уч фаслдан иборат.

Ниҳоят «ал-Ҳидоя» асарига киритилган энг сўнгги



Ўн еттинчи китоб—«Китоб ул-Хунса» («Гермафродитлар ҳақидаги китоб») бўлиб. унда қандай одамлар гермафродит ҳисобланади, уларни қайси аломатлари билан эркак ёки аёл жинсига мансуб деб ҳукм қилинади, бундай одамларнинг мавқеи, улар вафот этганда жаноза қандай ўқилади, улар намоз ўқиганда қандай шаклда ўқийди ва бошқа масалаларга оид қондалар баён қилинган. Бу китоб икки фаслга бўлинган.

«Ал-Ҳидоя» асари инсон ҳаётининг шахсий, ижтимоий, ахлоқий, иқтисодий, маънавий, маданий ва бошқа барча жабҳаларига алоқадор бўлган аксарият жиҳатларини қамраб олган ва уларни муайян ҳуқуқий меъёрлар, қонун ва қондаларда изчиллик билан ақс эттирган мукамал асардир. Асарнинг умумий ҳажми қўлёзма нусхаларида унинг ўлчамига қараб 500—600 варақни ташкил этса, замонавий босма нусхалари 1090 бетни ташкил этади.

Асарда жами 57 ҳуқуқий мавзу кўтарилган бўлиб, улар алоҳида китобларга сарлавҳа қилиб олинган ва бу мавзуларнинг тафсилотлари 152 фасл ва 165 бобда баён этилган.

«Ал-Ҳидоя» асари турдош асарлардан ўзининг тузилиши, мавзуларнинг изчил тартибда жойлаштирилиши, таъбир шакллари ва хос баён услуби билан ажралиб туради.

### **«АЛ-ҲИДОЯ»ГА АЛЛОМА ЗАМОНДОШЛАРИНИНГ БЕРГАН БАҲОСИ**

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг мазкур асари муайян муддат ўтиб эмас, балки аллома замонасидаёқ ниҳоятда юксак баҳоланган. Жумладан, Мовароуннаҳр фикҳ илмининг алломалари, фикҳ мактаби устунларидан имом Фахр ун-дин Қозихон, «ал-Муҳит ал-Бурҳоний» асарининг муаллифи Бурҳон уд-дин, шайх Заҳир уд-дин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий, шайх Зайн уд-дин Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Итобий ва бошқа кўплаб фақиҳлар «ал-Ҳидоя» асари бу соҳада битилган асарлар ичида энг қулай, энг мукамал ва бетакрор эканлигини эътироф этишган. Назаримизда, айнан шундай юксак баҳони ақс эттирган ҳолда, замондошлар кайфияти ва баҳосини алломанинг ўғиллари имом Имод уд-дин ибн Али бир пайтда шундай ифодалаган: «Ал-Ҳидоя» асари уни

билган, ўрганган ва уни маҳкам тутган кишиларнинг юмуқ кўзларини очади ва тўғри йўлга, ҳидоят йўлига элтади. Эй ақл соҳиби, сен уни ёд ол ва ундан айрилма. Кимки уни билишга, унга эргашишга муяссар бўлса, у энг улуғ мақсадга эришибди».

Барча макон ва барча замонларда бўлгани каби алломанинг замонида ҳам ҳасадгўйлар топилган. Бу тенги йўқ асарнинг қадри ва аҳамиятини камситиш мақсадида айрим кўра олмаган кимсалар «Ал-Ҳидоя»да асли йўқ ҳадислар келтирилган, деб асарда келтирилган ҳадисларнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирганлар. Бунинг натижасида кўплаб уламолар асарда келтирилган ҳадисларни тадқиқ этишга киришганлар. Натижада имом Муҳиддин Абдулқодир ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Мисрийнинг «ал-Йноя би маърифат аҳодис ал-Ҳидая», шайх Ало уд-диннинг «Ал-Кифая фи маърифат аҳодис ал-Ҳидоя» ва шайх Жамол уд-дин ибн Абдуллоҳ ибн Юсуф аз-Зайлабийнинг «Насаб ур-Рая ли аҳодис ал-Ҳидоя» номли асарлари дунёга келди. Табиийки, бу асарлар ҳасадгўйларнинг иддаолари мутлақо асоссиз эканлигини кўрсатиб берган.

«Ал-Ҳидоя» асари ёзиб битилгандан сўнг, у билан биринчи бўлиб Шамс ул-анимма ал-Қардарий танишиб чиққан бўлсалар, ўтган асрлар давомида бу асардан минглаб одамлар баҳраманд бўлиб келмоқдалар ва у минглаб зиёлиларнинг доимий ҳамроҳига айланиб қолди.

Бу асарга ўнлаб алломалар, фуқаҳолар шарҳлар ёзганлар ва бу ишни ўзлари учун шараф деб билганлар.

«Ал-Ҳидоя» асари ҳозирги кунимизда ҳам қатор ислом илмгоҳларида ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида бетакрор ўқув қўлланмаси бўлиб қолмоқда.

### **«АЛ-ҲИДОЯ» АСАРИНИНГ ҚҮЛЕЗМА НУСХАЛАРИ**

Буюк ватандошимиз шайх ул-ислом Бурҳонуддин ал-Марғинович ҳазратлари ҳаётлари давомида самарали ижод қилиб, асрлар давомида номларини абдиётга дахлдор қилувчи мерос қолдирганлар.

Баланд тоғнинг баландлиги ундан узоқлашган сайин кўринади, дейдилар. Ноёб истеъдод соҳиби бўлган даҳоларнинг буюклиги ҳам асрлар оша янада залворли, янада ёрқинроқ намоён бўлишлиги ҳазрат Бурҳо-

нуддин ал-Марғинович мисолларида яна бир бор тасдиғини топгандай. Асрлар оша бизгача юзлаб нусхаларда етиб келган алломанинг шоҳ асари ҳасадгўйлар бу улуғ зотга бежиз ҳасад қилмаганларидан далолат бериб турибди.

Ҳазрат Бурҳонуддин ал-Марғиновичнинг замондошларидан бири шундай деган эди:

*Инна ал-Ҳидая ка-л-Қуръон қад нусихат  
Ма саннафу қаблаҳа фи-ш-шаръи мин кутуб*

яъни:

*«Ал-Ҳидая» Қуръони карим синғари нусхаларга кўчирилди,  
Ундан олдин ҳеч ким унинг синғари бир асар тасниф этмаган.*

Деярли саккиз аср олдин айтилган бу сўзлар ҳозир ҳам бу баҳо қанчалик тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди. Бу асар ўрта асрлардаёқ фикҳ илми соҳасида ўзига хос ва мос ўрнини эгаллаб катта эътибор қозонган эди. «Ал-Ҳидоя» асари замонасининг истеъдодли хаттотлари томонидан кўчирила бошланган. Бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзма нусхалари қатор қўлёзма хазиналарида сақланади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида «Ал-Ҳидоя»нинг бир неча ўнлаб қадимий нусхалари сақланмоқда. Бу хазинада сақланаётган мазкур асарнинг энг қадимий нусхаси 679/1280 йилда кўчирилган бўлиб, у асарнинг тўла матнини ўз ичига олган. Қўлёзма «Китоб ут-Таҳорат» бўлимидан бошланиб, энг сўнгги қисми «Масайл шатта» («Бошқа масалалар») билан тугатилган, Ҳошиялардаги ва алоҳида қоғозчаларда битилган ёзувларга қараганда бу қўлёзма фаол истеъмолда бўлган.

«Ал-Ҳидоя»нинг институт қўлёзмалар хазинасида сақланаётган энг қадимги қўлёзма нусхаларидан кейингиси 711/1311 йилда кўчирилган. Бу қўлёзмага «ал-Ҳидоя»нинг «Китоб ул-Байъ» қисмидан «Китоб ул-Хунса» қисмигача киритилган.

Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган нусхалар ичида қадимийлиги нуқтаи назаридан кейинги ўринда турувчи қўлёзма 735/1334 йилда кўчирилган.

Мазкур асарнинг қўлёзма хазинасида сақланаётган қадимий нусхаларининг умумий сони саксонга яқин. Ҳар бир қўлёзманинг ўзи бир тарих, ўзи бир хаттотлик санъати намунаси. Бу қўлёзма нусхалари ичида Урга Осиёнинг турли шаҳарларида, Миср, Афғонистон,

Кошғар, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда кўчирилганлари бор.

«Ал-Ҳидоя»нинг қўлёзма нусхалари Германия, Англия, Франция Туркия, Россия ва бошқа мамлакатлар қўлёзма хазиналарида ҳам сақланаяпти.

Бу асарларнинг турли мамлакатларда асрлар давомида машҳур ва марғуб бўлуб келаётганига яна бир далил, унинг босма нусхаларининг бир неча ўнлаб нусхалари хазиналарда сақланаётганидир. Бу нусхаларнинг аксарияти Совет тузуми даврида аҳолидан йиғиб олинганини ҳисобга олсак, асарнинг яна талайгина қўлёзма ва босма нусхалари айрим хонадонларда сақланаётган бўлиши эҳтимоли бор. Чунки бу асар асримизнинг Октябрь инқилобидан кейин ҳам, ҳатто 30-йилларгача Ўрта Осиё жумҳуриятларида совет суд тузуми жорий қилингунга қадар сақланиб турганлиги ва шарият қозилари айнан «ал-Ҳидоя» асари асосида ўз фаолиятларини олиб борганликлари фикримиз далили бўлиши мумкин.

«Ал-Ҳидоя» араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган. Бу асарнинг араб тилидаги янги нашри ҳам 1990 йилда Байрутда қайтадан амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида араб тилидан хабардор бўлган мутахассислар учун катта қулайлик туғдирди. Зеро, араб тилидаги қўлёзма асарларидан фойдалана билиш ҳам муайян маъна ва тажрибани талаб қилади.

## ХУЛОСА

1. «Ал-Ҳидоя» асари ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида ўрта асрларда битилган энг нодир, энг қулай ва марғуб асар. Бу соҳага бағишлаб битилган асарлар талайгина бўлганига қарамай, айнан шу асар асрлар оша қатор мамлакатларда дарслик сифатида фойдаланиб келинаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2. «Ал-Ҳидоя»да мавзулар мантиқий изчил тартибда тузилган. Дастлаб ибодат масалаларига оид амалий кўрсатмалар баён этилган бўлса, ундан сўнг жамиятнинг негизини ташкил этувчи оила мавзусига бағишланган (никоҳ, талоқ) ижтимоий масалалар, маъмурий, иқтисодий ва молиявий масалалар шундай тартибда келтирилганки, бу мавзулар ҳозирги кунимизда ҳам айнан шу тартибда долзарблигини саклаб қолган.

3. Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг мазкур асарі «Мухтасар ал-Қудурий» асарига асосланган ва унда баён этилган қоидаларни деярли сўзма-сўз такрор-ласа ҳам, у «Мухтасар»нинг айна шарҳигина эмас. «ал-Ҳидоя»да биринчидан, мавзулар тартиби анча фарқ қилади, иккинчидан, ал-Ҳидоя»да «Мухтасар»да зикр қилинмаган қатор мавзулар ҳам баён этилган. «Ал-Ҳидоя»ни яна бир фарқли томони шундаки, ҳар бир қоида албатта оят ёки ҳадис билан асосланади, ҳар бир масалада ҳанафий мазҳабидан ташқари қолган учта сунний мазҳабларнинг нуқтаи назари ҳам келтирилиб, уларнинг ҳукмлари ҳам баён қилинади. Мазкурлардан хулоса қилиб, бу асарни мустақил асар дейиш мумкин.

4. Мазкур асарнинг хусусияти шундаки, унинг амалий аҳамиятидан ташқари, ҳам ўқув қўлланмаси, ҳам илмий-тарихий манба сифатларини ўзида мужассам қилганидир.

5. «Ал-Ҳидоя»да зикр қилинган ҳадисларни ниҳоятда ишончли эканлиги. Бу хулосани манбаларда зикр қилинган асар яратилган пайтда ундаги ҳадисларга нисбатан шубҳа билдирилгани муносабати билан тафтиш олиб бориб, бу ҳадисларни ишончли эканлигини исботлангани билан ҳам тасдиқлаш мумкин.

6. Асар ғоясини очиб беришда фойдаланилган таъбир усуллари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Асарни ёзишда бой илмий-диний манбалардан фойдаланилган. Бу ўз навбатида унда хилма-хил мулоҳазалар ва нуқтаи назарларнинг келтирилишига сабаб бўлган ва асар савияси ва қимматининг ниҳоят даражада юқори бўлишини таъминлаган.

7. Асарнинг тили ниҳоятда бой, лекин енгил эмас. Бунинг сабаби дастлаб ниҳоятда катта ҳажмда бўлган асарни ихчамлаштириш мақсадида турли хил қисқартмалар, хос баён услублари қўлланилганидир. Натижада ёрдамчи манбалардан ва қисқартмалар мазмундан хабардор бўлмаган ўқувчи уни ўқиб тушунишда қийналади. Бу асарга кўплаб шарҳлар битилганининг ва қўлёзмалар ҳошияларида битилган баъзи бир шарҳларнинг сабаби ҳам шунда бўлса ажаб эмас. Шу билан бир қаторда асарда зикр қилинган манбалар ва баён услуби билан таниш бўлган ўқувчи биргина «ал-Ҳидоя»нинг ўзида ўнлаб китоблардан оладиган маълумотга эга бўлиши мумкин.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

1. Бартольд В. В. Собрание сочинений, Т. 2. Ч. 1. М., 1963.
2. Абдулваҳоб Халлоф. Усул ул-фиқҳ. Тошкент, «Адолат», 1997.
3. Муҳаммад ал-Худрий. Тарих ат-ташриъ ал-исламий. Байрут, Дар ул-фикр, 1995.
4. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. ал-Ҳидоя шарҳ бидоят ал-мубтади, Байрут, Дар ул-кутуб ал-илмий; 1990.
5. Муҳаммад Абд ул-Ҳай ел-Лакнавий. Ал-Фаваид ал-бахийя фи таражим ал-ҳанафия. Қозон. 1902.
6. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-аълом ал-ахир фи табақот фуқаҳо ва машайх мазҳаб ал-нуъмон. Уз. Р ШИ Қўлэмалар хазинаси, инв. рақам 2929.
7. Ислам — религия, общество, государство. Сб. статей. М.; 1994.
8. Муминов А. Қ. Мавераннахрская школа фикха (IX—XIII вв). Общественные науки в Узбекистане. 1990. № 10.
9. Саидов А. Х. Ҳидоя: Комментарий мусульманского права. Т., «Узбекистон», 1994.
10. Қодиров З. О. Имом Аъзам. Т., «Мовароуннахр», 1999.
11. Қориев О. А. Бурҳонуддин ал-Марғиноний — ҳуқуқшунос. Шарқшунослик. Т., 1993, № 10.
12. Қориев О. А. Ислому ҳуқуқшунослиги ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний. «Ҳаёт ва қонун», Т., 1994; № 2.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Кириш (М. М. Хайруллаев)                       | 3  |
| Фиқҳ — ислом ҳуқуқшунослиги тарихидан          | 5  |
| Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг вужудга келиши   |    |
| ва унинг йirik намояндалари                    | 11 |
| Бурҳонуддин ал-Марғиноний — буюк фақих         | 20 |
| «Ал-Ҳидоя» — Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг шоҳ |    |
| асари  | 30 |
| Хулоса   | 44 |
| Фойдаланилган адабиётлар                       | 46 |

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ  
НАШРИЕТИ**

Директор: Дилбар ИКРОМОВА  
Бош муҳаррир: Илҳом ЗОИРОВ  
Ишлаб чиқариш бўлими мудир: Темирпўлат ХОДЖАЕВ

Илмий-оммабоп жанр

Одил Қориев

**АЛ-МАРҒИНОНИЙ — МАШҲУР ФИҚҲШУНОС**

*Ўзбек тилида*

Муҳаррир *Ансориiddин Ибраҳимов*  
Мусаввир *Темур Саъдулла*  
Тех. муҳаррир *Валентин Веремеюк*  
Мусахҳих *Зиёда Латифхон қизи*

**ИБ № 257**

Теришга берилди 04.05.2000 й. Босишга рухсат этилди  
27.07.2000 й. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмаҳона қоғози, Шартли  
босма табағи 2,52. Нашр босма табағи 3,0. Адади 2000 нусхада.  
(2-завад — 2000) Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 82.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошконт — 129.  
Навий кўчаси, 30-уй. Нашр рақами № 20.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
Тошкент китоб-журнал фабрикасида chop этилди. Тошкент - 194,  
Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.